

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Шарқ Филологияси ва тарих факультети
Марказий Осиё Халқлари Тарихи кафедраси

Қўлёзма ҳуқуқида

Мирхаитов Шарофиддин Шухратович

**ЗАРДУШТИЙЛИКДА ЗАМОН ВА МАКОН
МАСАЛАСИНИНГ ТАРИХИЙ, ИЖТИМОИЙ-
ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ**

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

5220200 – ТАРИХ

Илмий раҳбар: катта ўқитувчи Жўраев Шерзод

Тошкент – 2011

Кириш

I Боб Авеста китобининг шаклланиш босқичлари ва Марказий Осиёдаги давлатчилик жараёнларининг Авестада акс этиши

- 1.1. Авеста китобининг шаклланиши ва ўз замонининг ёзма ёдгорлиги сифатидаги ўрни.
- 1.2. Авестада акс этган Марказий Осиёнинг энг қадимги давлатчилик жараёнлари.

II Боб Зардуштийликда замон ва макон тушунчалари, нариги дунё , эзгулик ва ёвузлик тушунчалари ҳақидаги тасаввурлар

- 2.1.Зардуштийликда замон ва макон тушунчаларининг талқини
- 2.2 Зардуштийларнинг нариги дунё ҳақидаги тушунчалари.
- 2.3.«Авеста»да эзгулик ва ёвузлик ғояларининг талқини.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

«Энг мўътабар, қадимги қўлёзмамиз «Авеста»нинг яратилганига 3000 йил бўляпти. Бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аجدодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий, тарихий меросидир. «Авеста» айна замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди»¹.

Мавзунинг долзарблиги. Авеста китоби ҳақида Европа дунёсида дастлабки маълумотлар XVIII асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган. Дастлаб Париж, Лондон кутубхоналарида мустамлакачилар Ҳиндистондан келтирган номаълум ёзув билан битилган китоб парчалари пайдо бўлган. Анкетил дюперрон зардуштийлар орасига етиб бориб, улар билан аста тил топишиб кетади, тилларини ўрганади. Зардуштийлик динини қонун-қоидаларини ўзлаштиради. Ниҳоят, 1771 йилда «Зенд Авеста» номи остида Авестанинг таржимасини нашр эттирди. Унинг бу кашфиётини Францияда тан олишмади. Уни ўзи уйлаб топган сафсатасини олимларга тиқиштиришга уринаётган фирибгар деб таҳқирлашди. «Зенд авеста» нашри ҳам тез орада унитилди. Анкетиль Дюперрон 1804 йилда қашшоқлик ва ғарибликда вафот этди.

Бу кириш тафсилотларни келтиришимиздан мақсад, сўзимиз бошидаёқ Авеста китобини ўрганиш қандай долзарб эканлигини кўрсатиш эди. Дастлаб номаълумликдан бошланган Авесташунослик ҳозирги замон фани

¹ И.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Ўзбекистон, 1998.

учун қарийб 250 йиллик йўлни босиб ўтганига қарамай, ҳалигача бу соҳада ечилмаган муаммолар, тушуниб етилмаган масалалар жуда кўп. Энг оддий масала бўлиб кўринган «Авеста- замон ва макон тушунчалари» деган масаланинг ўзидаёқ қанчадан-қанча баҳсли мунозарали нукталар мавжуд.

Маълумки, Ўзбекистоннинг ташаббуси билан ЮНЕСКО 1999 йили Авестанинг 2700 йиллигини халқаро миқёсда нишонлашга қарор қилди. Шунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилиниб, 2001 йил ноябр ойида Авеста китобининг 2700 йилиги тантанали равишда нишонланди. Урганч шаҳрида барпо қилинган Авеста боғида ўтказилган кўпминг кишилиқ анжуманда Президент Ислам Каримов кизгин нутқ сўзлади. Авеста 2700 йиллиги муносабати билан бир қатор илмий анжуманлар ўтказилди. Авесташуносликда улкан воқеалар бўлди. Янги-янги фикрлар ўртага танлашди. Кўплаб мақолалар, рисоалар, йирик илмий, илмий-оммабоп нашрлар юзага келди. Аммо авестани ўрганиш масаласида булар ҳам етарли бўлмади. Унинг тарихий манба сифатидаги барча қирралари ҳалигача тўлиқ англаб етилган эмас.

Авестани ўрганиш халқимизнинг маънавий дунёси, эзгулик ва яратувчиликка мойиллиги каби юксак қадриятларини чуқур англаб етишга хизмат қилади. Чунки авестада акс этган ахлоқий-фалсафий дунёқараш тизими халқимизнинг асрлар оша яратган миллий-маънавий қиёфасининг асли асосларидан биридир.

Мавзунинг долзарблигини белгиловчи омилларни кўплаб келтириш мумкин бўлгани ҳолда, биз уларнинг яна бир неча муҳимларини кўрсатиб ўтамиз.

Биринчидан, Авестанинг ватани ҳақидаги баҳс-мунозараларда жаҳон авесташунослари бир қарорга келиб, Амударёнинг қуйи оқимларидаги қадимги Хоразм, деган фикрда тўхтаган. Лекин шунга қарамай, бу масалани ҳали Эронга, ҳали Озарбайжонга, ҳали Сенстонга тортувчилар йўқ эмас.

Иккинчидан, Авестада акс этган тарихий географий манзара (Туркманистоннинг жанубидаги адирликлар), Бахди, Хорайва (Ҳирот) ва

бошқалар зардуштийликнинг илк макони ҳақида аниқ тасаввурлар беришига карамай, Рага (Эрондаги шаҳар, ҳозир Рей дейилади) топонимини асос қилиб олиб яна авестанинг маконини Ғарбга тортишгап уринишлар учраб туради. Ҳолбуки, рага топоними зардуштийлик Ўрта Осиёдан чиқиб Эронда тан олинган ва хатто, давлат динига айланган сосонийлар салтанати лаврида Авестага Эронга хос тушунчалар киритилган. Хусусан, Видевдат китобида Ахура Мазда яратган юртлардан бири Рага деб кўрсатилган.

Авестанинг тарихий манба сифатида ўрганилиш даражаси. Авеста китоби Ўрта Осиё, Ўрта Шарқ халқлари тарихининг ноёб манбаи бўлиб келган ва шундайбўлиб яна узоқ вақтлар давомида тадқиқот объекти бўлиб қолаверади².

Бу борада милодий III асрнинг биринчи чорагида Эронда Сосонийлар сулоласи тахтга келиб, зардуштийлик бу давлатда расмий динга айланган пайтда, Ардашер I Бобак ўғли авестани тиклашга буйруқ берди. Бу иш ҳам охирига етмай қолди. 241 йилда Ардашер вафот этиб, ўрнига ўғли Шопур I подшо бўлди. Зардуштийларнинг давлатдаги мавқеи кучайди. Зардушт қоҳинлари юқори мансабларда бўлиб, подшога бевосита таъсир этиш даражасига етдилар. Айниқса, Картир 270 йилларда улуғ эътибор қозонди. Зардуштийлик Эрондан бошқа динларни сиқиб чиқарди. 277 йилда Мониий ўлдирилиб, унинг диний-монийчилик қувғин остига олинди.

Зардуштийликнинг бу қадар юксак мақоми, унинг асоси бўлмиш Авестани мукаммал тўплашни янада зарур қилиб қўйди. Ниҳоят бир неча подшолар даврида поёнига етмаган бу иш 531-579 йилларда ҳукмронлик қилган Эрон подшоси Хусрав I даврида бажарилди. Лекин энди Авеста 30 эмас, 21 китобдан иборат шаклга келди.

IX асрда Эрону Турон ислом дини доирасига кириб, бу динни қабул қилмаган зардуштийлар ўзларининг қадимий эътиқодларини сақлаб қолиш, унинг асосларини келгуси авлодларга етказиш мақсадида ўзига хос

² Л.А.лелеков. Авеста в современной науке. М.: 1992, -С.7.

энциклопедик китоб яратганлар. Бу китобнинг номи «Дёнкард» деб аталади. Маъноси «Дин амаллари» демакдир.

Авесташуносликнинг муайян даври қадимги юнонлар томонидан бошланган ва, ниҳоят, юнонларнинг неоплатоник фалсафий таълимотларига кўчи таъсир кўрсатган³.

Зардуштийлик ва Авеста ҳақида билимларни илмий асосда таҳлил қилиш ишига Абу Райҳон Беруний катта ҳисса қўшган. У ўзининг «Осор ул-боқия анал қурун ал-ҳолия» номли асарида зардуштийларнинг қадимги Хоразмда, Суғдда, Эронда амал қилган анъанавий тақвимлари, йил фасллари, осмон жисмларининг ҳолатлари, хўжалик билан боғлиқ байрамлари ва турли-туман урф-одатларини батафсил ўрганиб, муҳим илмий хулосалар қилган⁴.

Ҳозирги замон фани нуқтаи назаридан авестани аввало, диний таълимот китоби сифатида тадқиқ этиш ишлари юқорида айтилганидек салкам 250 йилдан бери давом этмоқда. Юзлаб олимлар бу ноёб мероснинг турли қирраларини –фалсафий асосларини, ҳуқуқий, ижтимоий жиҳатларини, табиатшунослик, астрономий, тиббиёт ва ҳоказо йўналишларини тинимсиз ўрганиб келаётганларига қарамай Авеста ҳақида ҳалигача жуда кам насарлар маълум эканлиги фанда кўп бора таъкидланган⁵.

Европа авесташунослиги бу соҳанинг шаклланиши ва тараққиётига улкан ҳисса қўшганини инкор этиш қийин. Авеста китобига илмий ёндошув XVII-XVIII асрларда Англиянинг Оксфорд университетида илк бора юзага келда бошлади. Ўша даврда Оксфорд университети профессори Т.Хайд юнон, форс ва бошқа манбаларга таянган ҳолда улардаги зардуштийлик масаласига оид маълумотларни батафсил таҳлил қилишга ҳаракат қилди.

³ Ф.К. Сулаймонова. Шарқ ва Ғарб. –Т., 1997.

⁴ Абу Райҳон Беруний. Асарлар. I жилд: «Осор ул-боқия анал қурун ал-ҳолия» (Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар). –Т., 1963.)

⁵ Л.А.Лелеков. Авеста ва современной науке. –М., 1992.

1771 йилда Анкетиль Дюппероннинг таржимаси эълон қилинди. Авеста ва Зардушт таълимоти масаласидаги тортишувлар, баҳс-мунозаралар тарихи А.О.Маковельскийнинг «Авеста» китобида батафсил баён этилган⁶.

Авеста тадқиқотлари тарихига И.С.Брагинский ҳам ўз асарларида алоҳида ўрин ажратган⁷.

Лекин Ғарбда Авеста ва Зардуштийлик тарихи, ҳар икки масаланинг тарихий манбашунослик аҳамияти ҳақидаги ишлар орасида, бу муаммони илмий қийматга эга тарзда ҳал қилишга уринган дастлабки муаллифлар каторида И.Родени эслаб ўтиш жоиздир. Унинг қадимги динлар тизими ҳақидаги асарида бохтарийлар, мидияликлар, форслар динлари ҳақидаги бўлимлари XIX аср бошларида Европа олимларининг қарашларидаги чекланганликни жуда яхши акс эттиради. Ўша даврларда Европа ҳали авестанинг таркибини ҳам яхши билмас эди. Гоҳларнинг Авеста китобидаги алоҳида ўрнини фарқламас, Видевдат китобини эса тадқиқотларининг асосий манбаси деб билишар эди.⁸

XX асрнинг 70-80 йилларида Ж.Даристетер ва унинг Белгиялик оппоненти Ш. де-Арлелар авесташуносликка оид кўплаб илмий мақолалар эълон қилишди. Аммо ҳар икки муаллиф ҳам Авестанинг у ёки бу масаласини тушунишда қатъий фикрларга келишолмади. Шунга қарамай, Ж.Даристетер авесташуносликда катта из қолдирган обрўли олим сифатида тарихда қолди. Ш. де-Арле эса ўзининг «Зардуштийликнинг илк чашмалари» номли мақолалар туркуми билан чекланиб, Авеста историографиясида камдан кам эсланадиган муаллиф бўлиб қолди⁹.

XX аср бошида Кристиан Бартоломе бошчилигида бир қатор йирик олимлар ҳамкорликда яратган «Грундрис дер Иранишен филологи» номли улкан умумлаштирувчи китоб шу давргача эроншунослик соҳаларидаги ютуқларни ва камчиликларни кўрсатиб берди. Бу асар авесташуносликда ҳам янги босқични бошлаб берди. Чунки унда Авестанинг фонетикаси,

⁶ А.О.Маковельский. Авеста. –Баку, 1960.

⁷ И.С.Брагинский. Из истории персидско-таджикской литературы. –М., 1972.

⁸ Л.А.Лекеков. Авеста в современной науке. –М., 1992. –с. 15-16.

⁹ Ch. Harlez. Des oridine du zoroastrism. Ya. 1878-1880.

лексикаси, грамматикаси каби масалалар, бу китобнинг адабий, диний-фалсафий моҳияти ҳақида кўплаб фикрлар олға сурилган эди¹⁰.

Бу улкан энциклопедик асарда авеста ҳақида барча илмий материални бир ерга тўплаб, бўлим сифатида жойлаштирилган эди. К.Бартоломе шу йилларда «Алтиранише вортербух» («Қадимги эроний тиллар луғати») номли китобни ҳам нашр эттирди. У китоб ҳам «Гриндрис» сингари XX аср авесташуносларининг доимий ҳамроҳларига айланди. Чунки унда Авестанинг деярли барча лексик бойлиги изохли таржима қилиб берилган эди¹¹.

К.Бартоломенинг авесташуносликка қўшган ҳиссаси беқиёс. Унинг «Авестанинг Гоҳлари Зардушнинг ижоди», «Гоҳларнинг тили-лаҳжаси», «авеста Ясна китобининг XX!X шеър», «Зардуштнинг ҳаёти ва таълимоти» ва бошқа асарлари мана юз йил ўтибдики, ҳали ҳам ўз илмий қимматини йўқотмаган¹².

XX асрн бошларида авесташунослик соҳасига Америка олимлари ҳам дадил кириб келдилар. Жумладан, руҳоний Э.Жексон Зардуштнинг шахси, яшган даври, фаолият кўрсатган макони ҳақида ёзган китоби ўз даврида довруқ қозонди¹³. Айрим олимларнинг қаттиқ танқидларига қарамай Э.Жексоннинг бу асари Авеста библиографиясида ўз ўрнига эга бўлиб турибди. Бу китобда Э.Жексон Зардушт ҳақида ёзилган барча адабиётни историографик таҳлил этган. Бу китоб А.Погодин томонидан рус тилига таржима ҳам қилинган¹⁴. Э.Жексон ўзининг яна бир монографиясида Зардуштнинг биографиясини кўплаб янги маълумотлар билан бойитди¹⁵. Э.Жексоннинг ҳар икки китоби биргаликда «Авесташуносликка кириш» вазифасини ўтаб келмоқда.

Кейинчалик Э.Жексоннинг бу йўналишдаги ишини Ж.Мултон давом эттирди. У ахборий қиммати жуда юқори бўлган учта монографик асар

¹⁰ Grundris der Iranischen philologie. Strascburgh. 1901.

¹¹ K. Bartholomae. Altiranisches Worterbuch. Strassburg. 1904.

¹² Л.А.Лелеков. Авеста в современной науке. Библиография. -2. –с.25-32.

¹³ A.Jekson. Zoroaster the prophet of Ancient Iran. Nyu-York. 1919.

¹⁴ А.Погодин. Жизнь Зороастра. СПб.: 1903. –с. 146.

¹⁵ A.Jekson. Zoroastrian Studies. Nyu-York. 1920. p.125.

муаллифидир¹⁶. 1914 йилда Эд.Леманнинг 1900-1910 йилларда авесташунослик соҳасида қилинган ишлар таҳлилига бағишланган китоби эълон қилинди. Бу асар авеста истариографиясининг муҳим манбаларидан бирига айланди¹⁷.

XX аср ғарб авесташунослигида Х.Нюбергнинг «религии древнего Ирана» номли монографияси катта аҳамиятга эга. Бу асарга рус олимлари жуда кўп шароит қилишган. Масалан, С.П. Толстов ўзининг «Древний Хорезм» китобида Нюбергга кўп марта мурожаат этган¹⁸.

Лекин ғарб олимлари Х.Нюбергнинг бу асарини каттиқ танқид қилишган¹⁹. Айниқса, В.Б. Хеннинг томонидан айтилган асосли танқидий фикрлар бу асарнинг илмий аҳамиятини йўққа чиқарди²⁰.

В.Хеннинг ўзининг 1942 йилда нашр эттирган «Авесташунослик тадқиқотларида мақсад ноаниқлиги» номли асари билан Авестанинг матнларини тиклаш, уларга турли маънолар бериш, баъзан ҳаёлий уйдирмаларни бу китобга боғлаб тушунтириш кабиларга кескин чегара қўйди²¹.

Зардушт фаолиятини Мидияда, Бактрияда бўлган дегувчи қарашлар ҳам баҳсларга сабаб бўлиб келган. Масалан, мил.авв. V-IV асрларда Эронда аҳмонийлар саройининг табиби бўлган юнон олими Ктесий Зардуштни Бактрияда яшаган деб кўрсатган. Бу фикрга таяниб, Ж.Мультон «Гохлар» Бактрияда яратилган, демак қадимги Бактрияликлар тили ҳам авестанинг «Гохлари» билан бир хил бўлган, дейди²². Бошқа бир қатор муаллифлар – Ж.Дармстетлар В.Джексон, Э.Хертсфельд кабилар Заратуштрани Аҳмонийлар билан замондош бўлган дейишади. Лекин зардушт Гохларининг мазмуни бундай таҳминга имкон қолдирмайди. Чунки «Гохлар» тўла-тўқис қабилачилик, уруғчилик, патриархал ибтидоий оилавий муносабатлар даврининг махсуси!

¹⁶ J.Moulton. Early religious poetry of persia. Cambridge. 1991. p.170. Early Zoroastrianism. London. 1913. p.468.

¹⁷ Ed. Lehmann. Iranische Religion. 1900-1910. Alten religions der Wissenschaft. -17.? 1914. s. 226-251.

¹⁸ Л.А.Лелеков. авеста в современной науке. –М., 1992. –с.20.

¹⁹ W.B.Henning. Zoraster: politican or wich-doctor? –London, 1951. p.51.

²⁰ W.B.Henning. The disintegration of the Avestic studies. –Transactions of the philological Society. –London? 1942. p.40.

²¹ С.П.Толстов. Яревний Хорезм. –М., 1948.

²² Б.Г.Гафуров. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. –М., 1972. 50-51-б.

Ҳозирги замон авесташунослиги «Гоҳлар», «Видевдат», «Яшт» китоби ва бошқа насклари асосида Авсетани Ўрта Осиё ҳудудларида яратилган, деб ҳисоблайди. Айниқса, Хоразм, Суғд ҳудудлари унинг илк ватани бўлган В.Б.Хеннинг, К.Бар, И.Гершевич, Р.Тсенерлар зардуштийликнинг илк макони қачонлардир Хоразм бошчилигида амал қилган Ўрта Осиё конфедерация деб ҳисоблайдилар. Айниқса, «Гоҳлар»ни Марғиёна билан боғлаш буларда етакчи ўринда туради. Лекин «Гоҳлар» М.Исҳоқовнинг фикрича, мазмунан аниқ географик нуқта билан боғлиқ эмас. Чунки уларда Пайғамбар, Худо Ахура Мазда ва одамлар ўртасидаги муносабатлар умумлаштирилган. Аниқ макон тушунчаси йўқ. Гап шундаки, Авеста «Гоҳлари»нинг манзили одамларни қалби онгига тегишли бўлган. Акс ҳолда бу шеърӣ даъватларим фалон ердаги фалон қавмларга қаратилган дейилиши қийин эмас эди. Авеста ва зардуштийликнинг илк макони ва унинг муайян ҳудудларда тарқалиш кетма-кетлигига назар солинса, ўз-ўзидан Ўрта Осиё бу жараёнларда етакчи ўрин тутгани яққол кўринади. Арйанам Ваежу (Хорам воҳаси), Гава –суғдлар яшайдиган юрт, Моуру (марв воҳаси) Ватигайсӣа –Бадхез, Нисайа (Ҳозирги Туркменистоннинг жануби-Ғарби), Бахди- Балх воҳаси, Хорайва –Хирот атрофлари (Арея), Харахвати-Афғонистоннинг Арахосия (Хархушша) вилоятӣ, Хайтуманд (Гильманруз) ва бошқалар Зардуштийлик таълимотининг Ўрта Осиё билан бевосита боғлиқлигини тўла асослайди. Авестадаги Рага, Сакастана каби географик атамалар эса зардуштийликнинг тарқалиш географиясини кўрсатади. Масалан, Заратуштра ватанини тарк этиб Сакастанаги, унинг ҳукмдори Виштаспа ҳузурига боради, уни ўз таълимотига издош қилади. Демак, Сакастана зардуштийлик дунёсига кейин кирган.

Рага эса, ҳозирги Техрон яқинидаги қадимги шаҳар. Бу ўлка зардуштийликни шарқӣ кўшни ҳудудлардан илк бора ўзлаштирган қадимги Эрон юртидир. Ғарб томонларга, ҳатто юнонларга ҳам айна шу ўлка орқали, у ердаги зардуштий мўғлар орқали маълумотлар етиб борган, деган қараш кўпчилик томонидан қабул қилинган²³.

²³ Авеста. Яшт китоби. М.Исҳоқов таржимаси. –Т.: Шарк, 2001. Ардвӣ Сура алкӯви.

С.П.Толстов Авестанинг илк макони Хоразм, Амударёнинг қуйи оқими деб билади. Бу фикрни Э.Бенвенист, И.Марквартлар ҳам қувватлашган. Унда Видевдатдаги Арйанам Ваежу Эронларнинг яйловлари²⁴ -зардуштийликнинг илк ватани Ўрта Осиёнинг шимолида, қиши ва ёзи кескин континентал юрт Хоразмда бўлганлиги асос қилиб олинган. Х.Нюберг Арйанам Ваежунини Алу ва Сирдарёлар оралиғига боғлайди. Г.Виденгрэн эса Сирдарёнинг қуйи оқимларидаги чўллар деб тушунади. Бельгиялик олим Ж. Дюшен – Гийемен эса Марғиёна, Суғд, Хоразм зардуштийликнинг илк ватани дейди²⁵.

Авеста тадқиқотлари масаласига, рус олимларидан Е.Э.Бертельс, Ч.С. Брагинскийлар улкан ҳисса қўшишган. Айниқса, Е.Э.Бертельс «Форс тожик адабиёти тарихи» номли улкан асарида Авестага махсус бўлим бағишлаган²⁶. И.С.Брагинский ҳам бу масалага ўз китобида кенг ўрин берган. Муҳими шундаки, бу олим маълум маънода авесташунослик тарихшунослигига ҳам эътибор берган. Бундан ташқари унинг китобида Авестанинг таркиби, қисмларининг мазмуни, матнларининг функционал моҳияти, Авеста бадий воситалари, метрика (шеър ўлчовлари) ва ҳоказо масалалар ёритилган²⁷.

XX асрнинг сўнгги чорагида Авеста тадқиқотлари, унинг русча таржима нашрларини тайёрлаш бўйича И.М.Стеблин-Каменскийнинг хизматлари катта давомида Авестанинг энг янги ва илмий жиҳатдан асосланган русча таржимасини яратди²⁸. Ниҳоят, 1998 йили Авестанинг 1861 йилдан XX аср охиригача барча русча таржималари йиғиб алоҳида нашр қилинди²⁹.

Ўзбекистонда Авеста тадқиқотлари асосан, XX асрда юзага келди. Дастлабки, энг муҳим маълумотлар, қисқа бўлса-да, «Ўзбекистон халқлари тарихи» китобида берилган эди³⁰. Кейинчалик Ўзбекистон тарихи бўйича академик нашрларда йўлакай авеста ҳақида фикрлар баён этилган³¹.

²⁴ Арйанам Ваежу иборасини М.Исҳоқов «Эронларнинг кенг яйловлари» деб таржима қилишни маслаҳат бердилар. Бунинг учун миннатдорлик билдирамиз.

²⁵ Б.Г.Гафуров. Таджики..., 50-52-бетлар.

²⁶ Е.Э.Бертельс. История персидско-таджикской литературы. –М., 1960.

²⁷ И.С.Брагинский. Из истории персидско-таджикской литературы. –М., 1972.

²⁸ Авеста. Гимны. С предисловием В.А.Лившица. Душанбе, «Дониш», 1990.

²⁹ Авеста в русских переводах. М., 1998.

³⁰ История народов Узбекистана. –Т., 1950.

³¹ Узбекистан ССР тарихи. –Т., 1955; Ўзбекистон ССР тарихи. Бир томлик. –Т.: Фан, 1959.

Авеста ҳақида бир қадар тўлиқ маълумот 1960 йилларда Н.М.Маллаев томонидан ёзилган «Ўзбек адабиёти тарихи» китобида берилди³². Сўнгра эса «Ўзбек адабиёти» номли кўпжилдлик асарда А.П.Қаюмов томонидан ёзилган «Авеста»га бағишланган қисм киритилди³³.

Авестанинг ўзбек тилига таржима қилиш, изоҳлаш ишлари дастлаб Н.М. Маллаевнинг зикр этилган китобида учрайди. Кейин эса бу иш билан М. Исхқов шуғуллана бошлади. 1980-90 йиллар давомида қилинган таржима ва изоҳлар «Ўзбек тили ва адабиёти», «Соғлом авлод учун», «Фан ва турмуш» журналларида чоп этилди.

Шу йилларда Авестани шоир Асқар Маҳкам форсий таржималари асосида ўзбекчага ўгиришга киришди. Натижада 2001 йилда Авестанинг икки нашри ўзбек тилида амалга оширилди.

Малакавий ишнинг мақсад ва вазифалари.

Ушбу малакавий иш олдига Авеста китобининг тарихий манба сифатида таҳлил қилиш ва ундаги замон ва макон масалаларини ўрганиш вазифасини белгилаб олдик. Шундан келиб чиқиб, қуйидаги вазифаларни белгиладик:

- зардуштийлик шаклланиш даври ҳақида маълумот бериш;
- зардуштийлик диний дунёқараш тизимининг тарихий асосларини таҳлил этиш;
- Авеста китобининг таркиби, шаклланиш жараёнларини ўрганиш;
- Авестада акс этган жамият, Марказий Осиё ҳудудларида қадимий давлатчиликка оид тарихий маълумотларни ўрганиш.
- Зардуштийликда замон ва макон масалаларини ўрганиш ва таҳлил этиш

Малакавий ишнинг илмий методологик асослари.

Ишимизда манбавий асосларга таянган ҳолда Авестанинг тарихимиз учун аҳамияти ва ўрнини ҳолисона ёритишга ҳаракат қиламиз.

³²Н.М.Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. –Т., 1964. 1975, 1977 (учинчи нашри).

³³ История узбекской литературы. –М., 1974.

Ишнинг илмий янгилиги. Малакавий ишимизда Авеста китобини сўнгги даврларда тадқиқ этган барча олимларнинг хулосалари, фикр-мулохазалари асосида тарихий манба сифатида яхлит ўрганиш, бу ҳақдаги билимларни умумлаштириш илмий янгилик бўлади. Биринчи марта Замон ва макон масалаларига талқин беришга уриниб кўрилди

Малакавий ишимиз ўқув жараёнларида фойдаланиш учун мўлжалланиши мумкин. Ўзбекистон тарихидан қўшимча адабиёт сифатида тавсия этилса мақсадга мувофиқ бўлади.

БМИнинг тузилиши: Ишимиз кириш, 2 боб, ҳар бир бобда фасл, хулоса ва фойдаланилган адабиёт руйхатидан иборат.

1.1. Авеста китобининг шаклланиши ва ўз замонининг ёзма ёдгорлиги сифатидаги ўрни.

Авеста ўлкамизда ислом дини қарор топгунига қадар (VII аср охири-VIII аср) аجدодларимиз эътиқод қилган зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлган. Бу китоб аجدодларимиз Аллоҳнинг яққалиги ва ҳақлигига имон келтиргунларигача узоқ ўтмишдан бошлаб маънавий изланиш, ўзликни таниш йўлида босиб ўтган тафаккур такомили босқичларининг меваси сифатида буюк меросимиздир³⁴.

Унинг номи Апастак, Авесто, Овисто, Абисто каби шаклларда ҳам ишлатилиб келган. Биз битирув малакавий ишимизда дунё бўйича авесташунослик илмида қабул қилган Авеста шаклини маъқул кўрилди³⁵. Бу сўзнинг луғавий маъноси «ўрганилган, тайин этилган, муқаррар этилган» демакдир, яъни кўчма маънода ҳаёт учун асос бўлмиш қонунлар мажмуи, деб тушунилган.

Зардуштийлик дини бу дин ҳақида одамларга хушхабар келтирган пайғамбар Заратуштра номи билан боғлиқ шундай атаб келинади. Аслида Авеста китобида бу дин маздаясна дини деб аталган. Бу сўз «Маздага сиғинмоқ» деб таржима қилиниши мумкин. Мазда сўзи «дониш, донишманд, оқил» каби талқин этилади.

Зардуштийлик «беҳдин» - энг яхши дин деб улуғланган ва барча эзгу борлиқ Мазданинг иродаси билан яратилдган, деб эътиқод қилинган. Мазда сўзи олдида «жаноб» маъносидаги улуғлаш сўзи Ахура кўшилиб, Зардуштийликнинг илоҳи-худоси-Ахура Мазда номи пайдо бўлган. Бу кўшма сўз «Жаноб Мазда» ёки «Худо Мазда» демакдир³⁶.

Маздаясна (Зардуштийлик) дини ўлкамизда ислом дини тарқалиши жараёнида хусусан, VIII асрдан кейин расмий дин сифатида сўна бошлаган. Унинг муқаддас китоби Авеста, аجدодларимиз исломга қадар яратган барча китоблар қатори йўқола ва унутила бошлаган. Айниқса, VIII аср ўрталаридан

³⁴ М.Исҳоқов “Авесто Яшт китоби” Т, 2001. Б-10

³⁵ Ушбу фикрлар Проф. М.Исҳоқовдан олинди.

³⁶ М.Исҳоқовнинг кўлёзмаларидан фойдаланилди ва ушбу жумлалар олинди.

бошлаб, араб ёзуви ва тилининг фатҳ этилган барча ўлкаларда қатъий жорий қилиниши, суғд,хоразмий, паҳлавий, монивий, сурёний ва бошқа ёзувларнинг расман ман қилиниши қадимий ёзув маданиятини унутиш жараёнини янада тезлатади. Лекин Авеста ҳақида гап кетганда унинг тарихий тақдирида ўзига хос воқеалар даври бошланди. Арабларнинг илк ҳарбий юришлари VII аср ўрталарида Сосонийлар, сўнгра Ўрта Осиёга кириб келгандаёқ аجدодларимизнинг қадимий дини Зардуштийлик билан юзма-юз келган эди. Кейинчалик фатҳ ишлари поёнига етиб, ислом дини ёйилган паллада Зардуштий жамоалари ялпи таъқиб остига тушди. Бу ҳол Эрону Турон ўлкаларида аёвсиз давом этди. Шу вазият тақозоси билан зардуштийларнинг бир қисми беҳавф шарқий ўлкаларга кўчиб кетишга мажбур бўлди. Оқибатда VIII-XIII асрлар давомида бу жамоалар, Ҳиндистоннинг ғарбий денгиз бўйи, хусусан. Бомбей ва Гужарот вилоятларига келиб ўрнашди. Бу қавмлар уларнинг асл келиб чиқишидан қатъий назар маҳаллий халқ орасида форслар (парслар) деб атала бошланди. Муҳими шундаки, айти шу зардушт жамоаларининг саъйи-ҳаракатлари ва қадимий динларида қолганликлар туфайли умуман унитилишга маҳкум этилган дин тизими, унинг урфлари, ақидалари ва ниҳоят муқаддас китоби Авестанинг асосий, кундалик амалиёт учун энг зарур ва муқаддас ҳисобланган қисмлари сақланиб қолди. Ҳозирги кунда ҳам ўша қавмларнинг авлодларидан қарийб 150 минг зардуштийлар Ҳиндистоннинг мазкур ўлкаларида ўз динларини сақлаб яшаб келишмоқда. Зардуштийликнинг кичик-кичик жамоалари Эроннинг Техрон ва яна бир қатор шаҳарларида ҳам ҳозиргача мавжуд. Зардуштийлик ва унинг муқаддас китоби Авестанинг бошига тушган ишлар ҳақида айта туриб алоҳида таъкидламоўқ лозимки, зардуштийликнинг илк ватани ҳозир кўпчилик авесташунос олимлар томонидан Турон ўлкалари бўлган, деб тан олинмоқда. Гап шундаки, Авестада акс этган мифологик қатламлар, тарихий географик тасаввурлар, иношч шакллари, этнографий манзаралар асос эътибори билан Турон ўлкаларига хосдир. Қолаверса, Авестага асос бўлган тил ҳозирги форс

тилининг аждоди бўлмиш қадимги ғарбий эроний тилдан фарқли равишда шарқий эроний тилларга, хусусан, Қадимги Ўзбекистон ҳудудларида амал қилган суғд ва хоразмий, қадимги бахтарий тилларига бевосита яқин ва қариндошдир.

Аввало, зардуштийлик шакллангунига қадар қадимий аجدодларимиз турли хил маъбудларга сиғинишиб мушрик ҳолда яшаб келишган. Зардушт эса Спитама уруғи мансуб бўлган Ахура Мазда маъбудига сиғинувчи дин вакили ҳамда шу худо намозгоҳининг муъбади (коҳини) бўлган. Наврӯз арафаси бир куни Зардушт муқаддас Ардвӣ Амударё ёқасига бориб, ғусул қилади. Рухни покловчи муқаддас ичимлик тайёрлашга керак бўлган сувни олаётганда унинг кўз ўнгида Ахура Мазданинг малакларидан бири Воху мана пайдо бўлади. Бу нурафшон сиймо Зардуштни етаклаб борлиқ эзгу дунёни яратган худо Ахура Мазданинг ҳузурига олиб борибди. Заратуштранинг эътиқоду ихлоси яратганга маълум экан. Шу туфайли башарият ичидан у зардуштни танлаб, унга ўзи ҳақида Ахура Маздадан ваҳий келган экан. Зардушт бу хабарни қавмлари орасида борлиқни Ахура Мазда яратгани, унга иймон келтириш чин ҳақиқатни билиш эканини тушунтира бошланди. Қавмлар эс асрий мушрикликдан қутилишлари қийин бўлиб, Зардуштнинг сўзларига ишончсиз қарайдилар. Устига устак, уни жамоадан сиқиб, қувғин қила бошлайдилар. Зардушт дарбадарликка тушади. «Авесто» китобининг Зардуштнинг «Бошим олиб қайга кетай, Қайларга борай, уруқ, аймақ қариндошлар қувсалар мени. На подам бор, на бойлигим. На менда одам» деган зорланиш сўзлари балки шу вақтда айтилгандир. «Ясна» наскида 28-бандда сақланган. Турон ўлкаларидан чиқиб Бақтрия юртига етганда Зардушт уни шу юрт подшоси Виштаспа, унинг хотини, Хаотасйа, яқин аъёнлари бошқалар яхши кутиб олишади. Зардуштийликни илк бор қабул қилганлар шулар бўлади. Қарабсизки, Турон заминда спитама азал мавжуд илоҳий тасаввурлари тизимидан туғилган уруғининг дини аста-секин Бақтрия, Эрон ҳудудларига тарқала бошлади ва расмий ҳимоят топа бошлаган.

Маълумки, эрадан авв. VI-V асрлардан бошлаб Эрон дунё йирик салтанатига айланди. Ахура Мазда дини эса унинг ғоявий курули сифатида давлат дини даражасига кўтарила бошлаган. Бу даврга келиб Ахура Мазданинг ягона яратгувчи экани ғояси, яъни тарихда илк бора вахдат тушунчаси асосида юзага келган зардуштийлик дини ўз илоҳий доктринасида кўпгина мурасасизликлар қилиб чекиниб, маъбудлар ва сиғинилиши керак бўлган сиймоларнинг бутун бир тизимига ўрин берди. Шу тизимни маънавий жихатдан асослаб Авеста китобида турли худоларга (маъбудларга) бағишланган алқовлар (гимн), ибодат матнлари, удумларнинг тафсили ва тавсифлари ўрин топа борди. Бир сўз билан айтганда, эрадан авв. I минг йилликнинг ўрталарида қачонлардир Турон заминда шакллана бошлаган Мазда Ясна (Маздага сиғиниш) дини тўла амал қилиётган эди. Одамларга бу ҳақда Мазданинг суюкли бандаси имонли Заратуштра (Зардушт) хабар берган эди.

Олимларнинг фикрича, Зардушт-эрадан авв. XIII-XII асрларда яшаган тарихий шахс. Уни VII-VI асрларда яшаган дегувчилар ҳам бор. Зардуштий динининг хос адабиётида Зардушт 6000 йил илгари яшаган ҳам дейилади. Нима бўлганда ҳам Зардуштнинг тарихий шахс эканига биз ҳам ишонамиз. Қачон яшаган? Бу масалада бизнингча эрадан авв. II минг йиллик-ўлкамизда бронза асри гуллаб яшнаган, суғорма деҳқончилик ва хонаки чорвачилик ташкилий хўжалик турлари сифатида муқим ривожланган, жамиятда ҳокимлар қўҳинлар, ҳарбийлар, ҳунар аҳли, чорвадор, деҳқон қабил меҳнат тақсимооти ва ижтимоий табақаланиш чуқурлашган давр зардуштийликни яхлит тизим сифатида шакллантирган, дейишга тўла асос бор. Ана шу даврда ибтидоий диний-мафкуравий, мифологик тасаввурлар маълум бир тизимга келтирилган. Дунёнинг яхлитлиги, ҳаётнинг узлуксиз ва тадрижийлиги, турли туман маъбудларга эътиқодни сўндириб, яхлит, ягона сабабқорни излашга, уни танишга, иймон ва эътиқод қилишга ундаган. Демак, эрадан авв. II минг йиллик ўлкамизда қучли тафаккур изланишлари даври сифатида,

ҳақни таниш, пировардида Аллоҳни таниш аجدодларимиз учун ўзига хос синов, маънавий тараққиёт босқичи бўлган, дейишга ҳақлидирмиз.

«Авесто» китоби мил.авв. I минг йилликдаёқ мавжуд бўлгани ҳақида тарихий манбаларда, масалан, минг йилдан зиёд вақт ичида кўплаб хабарларни сақлаган. Европада эса Авеста китоби ҳақида илк хабарлар ўрта асрлардагина пайдо бўлган. Айни шу хабарлар инглизлар Ҳиндистонни истило қилгач, янада кўпайган. Авестанинг айрим парчалари ҳатто Британия кутубхоналарига ҳам етиб келган. 1750 йилларнинг бошларида ёш француз тадқиқотчиси Анкетиль Дюперрон шундай парчаларни кўргач, унда Авестани ўрганиш иштиёқи пайдо бўлади. Инглиз ҳарбий қисмларига қўшилиб, Ҳиндистонга боради. Зардуштийлар жамоалар орасида узок муддат бўлади, уларнинг ишончини қозонади. Аллақачон унутилган, фақат коҳинларгина тафсир қила оладиган Авеста тилини ўрганади. Ўзи Авестанинг матнларини сотиб олади. Сўнгра 1761 йили Францияга қайтиб, келтирган Авеста матнларини таржима қилишга киришади. Ниҳоят, унинг таржималари 1771 йили нашр этилади. Лекин илмий жамоатчилик бунга уйдирма гап, деб баҳо беради. дюперрон қашшоқликда XIX асрнинг бошида вафот этади.

Кўп ўтмай, XIX асрда Авеста ҳақида маълумотлар янада кўпайиб, унга илмий қизиқиш шаклланди. Дюперроннинг фан олдидаги буюк жасорати ва хизмати тан олинди. У йўл қўйган таржима хатолари, талқин камчиликлари тузатила бошланди. Авеста билан ҳинд халқининг улуғ асотирий асари Ригведанинг тиллари яқин эканлиги. Европа тилларининг тарихий кўринишлари қиёси асосида бутун бир Ҳинд-Европашунослик, тарихий-қиёсий тилшунослик йўналишлари юзага келди.

Авеста ўз ватани Турон заминда қадимдан олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Аввало, авеста китобининг тўпланиши, унинг таркибий бўлакларига силсилавий тартиб берилиши ва ниҳоят, энг мукаммал ва саҳиҳ шакли юзага келиши қадимий китобатчилигимиз, матншунослигимизнинг буюк намунасидир. Қолаверса, ўрта аср илмида

Авеста ҳақида батафсил маълумотларни улуғ аллома Абу Райҳон Беруний асарларида ва бошқа қатор манбаларда ўқиш мумкин. Авестани ўрганиш ишига бугунги кунда дунёнинг қатор илмий марказлари, жумладан Ўзбекистон ва Тожикистон олимлари ҳам ҳисса қўшиб келишмоқда. Бунинг сабаби тайин. Гап шундаки, Авеста жуда қадимдан бошлаб шаклланган бксак ахлоқий, фалсафий, бадий-асоритий қарашларимизнинг тизими мужассамлашган меросимиздир.

Авеста китобидан бизгача етиб келган қисмлари асл матннинг (Сосонийлар даврида мукаммал тўпланган 21 наск-китобдан иборат бўлган) қарийб бешдан бир бўлаги, холос. Қолган китоблари йўқолган, лекин зардуштийликнинг қомуси сифатида IX асрда паҳлавий тилида тузилган «Денкарт» китобида Авестанинг барча китоблари (насклари), уларнинг номлари ва мазмуни қисқа аннотациялар каби баён этилган: 1-наск саҳовтвалийлик, савоб ишларнинг мазмун ва моҳияти ҳақида; 2-наск диний маросимий урф-одатлар амаллар баёни; 3-наск Маздаясна динининг моҳияти ва ақидалари ҳақида; 4-наск оламнинг яралиши, фано ва бақо дунёси, у дунёда руҳларнинг тирилиши, қиёмат ҳақида; 5-наск самоват, само жисмлари ҳақида, 8-наск ҳуқуқий масалалар, 10-наск Виштасининг шоҳлик замони ҳамда унинг келтирган Зардушт мазда динини қабул қилиш тарихи, 13-наск Зардуштнинг эзгу хислатлари ва болалик даври ҳақида, 15-наск ҳар бир ишда адлоат, ўзгалар ҳақидан қўрқиш, тош-тарозу ўлчовлардан ҳалоллик, авлиёлик мартабасига етишиш йўллари ҳақида, 16-наск ҳуқуқий масалалар ва ҳарбий қонунлар, никоҳда қондошликка қарши қоидалар, Мазда динининг асосий расм-русумлари ҳақида аҳкомлари, 17-наскда диний маросимларнинг қоидалари, қоҳинларнинг вазифалари, турли-туман таъқиқланган ишлар ва гуноҳлар учун у дунёда бериладиган юлдузларга қараб, уларнинг холақларидан инсон учун келадиган эзгуликлар ва ёмонликлар тақдир фолчилиги ҳақида, 19-наск девлар ва жинларга қарши қилинадиган ишлар, жиноят ва жазо масалалари, расм-русумлар, таҳорат ва бошқа покланиш йўллари, қоидалари мажмуи бу наск «Видевдат» дейилган ва Авестонинг энг

тўлиқ етиб келган китоби шудир;» 20-наск рухнинг (жоннинг) у дунёдаги «саргузаштлари» ҳақида; 21-наск Ахура Мазда ва унинг олти доимий малаклари – ўлмас муқаддас зотлар шаънига айтилган алқовлардир. Шу китоблардан фақат асосан 4 та китоб парчалари етиб келган. Номма-ном уларни Ясна, Виспарад, Видевдат, Яшт деб аталган. Улардан ташқари «Хўрдак Авеста» - «Кичик Авеста» номини олган китоб мавжуд, унда Авестадан энг зарур дуою такбирларнинг олиниб, йиғма китоб қилинган шаклига келтирилган. Зардуштийлик диний маросимий ва кундалик амалиётида бу китоблар муҳим бўлган.

Ясна китоби Авестанинг эътиборли бўлими ҳисобланган. Ясна яз ўзагидан бўлиб «сажда, таъзим, топинч, намоз» маъносига эга. Ясна 72 бобдан иборат бўлган. Боблари ҳа, ҳаитий деб аталган. Ҳар бир ҳа зарур ўрнига қараб маросимларда, намоз пайтида қўйинлар томонидан қироат қилинган, жамоат эса унга эргашиб ўқиган. Ясна китоби (наски) таркибига Зардушт ўзи ижод қилган диний тарғибот шеърлари ҳам кирган. Улар Яснанинг 28-34, 43-46, 47-50, 51, 53 –жами бўлиб 17 та ҳа-сини ташкил этади. Зардушт шеърлари илмий адабиётда гатлар деб атаб келинади. Аслида гат сўзининг сўнгги товуши Т ўта юмшоқ, тиш оралиғи, тил олди сирғалувчи товуши бўлган. Талаффузда бу товуш с дан қалинроқ сирғалувчи тарзда айтилган. Ккейинчалик бу тил олди сирғалувчи товуш ҳ томон силжиб гох сўзи шаклланган. Бу «қўшиқ», «муסיқий оҳанг» маъносидадир. Шундан тилимизда «дугоҳ», «сегоҳ», «чоргоҳ» каби атамалар яшаб келмоқда. Бу гаплан мурод шуки, Зардушт гохларни қўшиқ қилиб, минбарона ижро давомида бадиҳа йўли билан яратган. Қадимда эса бадиҳагўйлик шеърияти кенг тарқалган ҳодиса бўлган. Мисол учун Ҳомернинг машҳур дostonлари «Одиссея» ва «Илиада»лар ҳам шу усулда яратилган. Қолаверса, Зардушт яшаган даврда аждодларимиз ҳали ёзувга эга эмасдилар. Яна бир гап шуки, умуман авеста китоби хотираларда йиғилиб, оғзаки авлоддан авлодга ўтиб ёд бўлиб яшаган. Уни китобга йиғиб ёзиб олишга уриниш эса эрадан авв. VII-VI асрдан бошланиб, охири милодий V-VI асрда тугалланган. Ясна китобининг

35-42 «ха» лари айникса, юксак қадрланган. Бу исломда айрим сура ва оятларнинг ҳислатларига бўлган алоҳида эътиқодга ўхшаб кетади. Бу етти «ха» ҳаптанхати ясна – «етти боб ясна» деб аталган. Улар орасида оловнинг муқаддаслиги ҳақида боб ҳам борки, Зардуштийлик урф-одатлари орасида оловга эътиқод, диннинг эса «оташпарастилик» каби аталиши шу билан боғлиқ. Бинобарин, олов Ахура Мазда нурининг намоёнлиги ва унинг ердаги зарраси деб ҳисобланган. Олий ҳақиқат Аарта ҳам оловда ўз ифодасини топган. Олов ҳақни ноҳақдан, энг олий гуноҳ ҳисобланмиш ёлғонни ростдан ажратиб берган. Ёлғон эса чин эътиқодга хиёнат деб қораланган. Арта сўзи фонетик ўзгариб атар, оташ каби шаклларда бугун ҳам тилимизда мавжуддир.

Авеста Видевдат китоби – «ви даеводатам» 22 боб бўлиб, боблари Фрагард деб аталган. Фрагардларнинг маъноси, вазифаси, услубий тузилиши турлича: 1-фрагард одамлар яшайдиган барча юртларни Ахура Мазда қандай яратилгани тўғрисида. Булар орасида Хоразм, Суғд, Марғиёна, Боҳди (Балх) ва бошқалар бор; 2-фрагардда Жамшид подшолиги, «олтин давр» - касаллик ўлим, азоб-уқубатлар бўлмаган замон ҳақида, яъни инсониятнинг олтин асри ҳақида гап боради; 3-фрагард деҳқончиликнинг савобли шарофатлари ҳақида ва ҳ.к. Виспарад наски -24 боб. Ҳар бир боб алоҳида карде деб аталиб маъбудлар шаънига ўқилган дуолар ва намоз устида уларга мурожаатлардан иборат. Яшт китоби Авестанинг энг қадимий қатлами бўлиб, 22 боб. Ҳар бир боб Ахура Маздадан бошлаб, у яратган ва унинг маълум вазифаларини бажарувчи маъбудлар шаънига айтилган гимн (алқов)лардан иборатдир.

Авестанинг бизгача етиб келмаган китобларидан парчалар унинг йиғма парчалари тўплами Хўрд Авеста китобида жамланган масалан, Эҳрпатастан китобидан қоҳинлар учун қонун-қоидалар, диний бошқарув тизимига хос маълумотларга оид қисмлари, Нирангастан –диний мавсумий, ижтимоий мароислар тартиб қоидалари қисми 20 наскдан жоннинг у дунёдаги аҳволи ҳақидаги қисми кабилар шу китобда сақланган.

Авеста турон заминда уни яратган аجدодларимизнинг ҳаёт тарзи, мафкураси, бадий тасаввурларини ўзида мужассам қилган улкан тарихий манбадир. Яшт китобининг Х бобига кўра уй (оила) наманья, уруғ висья, қабила-зантума, мамлакат дахйума, руҳоний бош сиймо Заратуштротэма дейилган. Уй бошлиғи –намонопати, виспати –қабила боши, дахйупати-юрт боши. Наф деб уруғларнинг уюшмаси. Суғд тилида шундан наб – халқ маъносига эга. Авеста аҳолининг табақаларини кохин, ҳарбийлар –жанг аравасида юрувчи ҳарбийлар, деҳқон, чорвадор (хшупан-чўпон), хунарманд қабилаарга бўлади. булар бари авеста шаклланган жамият манзараларини тиклашда ғоят муҳим.

Авеста қадимги тарих, дин, этнография, тарихий география, ахлоқий-фалсафий қарашлар, астрономия, космогония, илоҳиёт ва бошқа кўплаб соҳалар учун қизиқарли маълумотлар бера олади. Шу билан бирга Авеста моҳиятан илк бадий ижод ва адабиёт обидасидир. Унинг таркибидан энг қадимги асоратларимиз, ривоятлар, қаҳрамонлик дostonлар ўрин олган. Авестанинг образи асоситирий тизимидан Хушанг, Тахмураc, Жамшид, Қаяумарс. Фаридун, Заххок ва бошқалар ўрта аср дostonчилиги ва адабиётига кириб келган. Кайхусрав, Афросиёб, Сиёвуш, рустам, Сухроб ва бошқа сиймолар асрлар оша яшаб келмокда.

Авестада зардуштийликнинг энг муҳим ахлоқий ғояси бундай ифода топган: агар эзгу борлиқни яратган Ахура Мазда қабоҳат дунёсини яратувчи Ахриман устидан ғолиб бўлиб, инсоният абадий бахту-саодатга эришсин десанг, эзгу фикр юргиз, эзгу сўзнигина сўзла, эзгу ишлар билан банд бўл. Шу уч қоидага ҳаётида оғишмай амал қилган одам қабоҳат йўлига оғибк етмайди. Бу эса энг олий ҳақ йўлидаги ягона мақсад бўлмоғи керак.

Зардуштийликда инсон эркин танлаш орқали эзгулик ёки қабоҳат томонидан туриши мумкин, дейилади. Инсоннинг бу масаладаги тутган йўли ҳақиқат ва эзгулик-қабоҳат ва ёлғон ўртасидаги кураш натижаси учун ғоят муҳим. Эзгулик йўли эса ҳақ йўл бўлиб, Ахура Мазданинг хабарини келтирган Зардушт бу йўлга одамларни етаклайди. Имонли эътиқодли

одамларнинг ялпи эзгу ҳаракатлари ёмонликни, қабоҳатни маҳв этади. Шунда эзгу амалда турган барча одамлар адолатли салнатада абадий яшайдилар. Зардушт одамларга абадий фароғатли жаннат ҳаётини ваъда қилади. Бунинг номи беҳишт, яъни авестача ваҳу-ҳишта «яхши ҳаёт»дир. Зардуштийлар анъанаси бу жаннатни 3000 йилдан кейин келади деб ҳисоблайди. Ўшанда Зардушт тухумидан пайдо бўлган Ҳалоскор-Саошйанта муқаддас сув остидан чиқиб савобга доҳилларнинг ҳаммасини қабоҳат хуружларидан қутқаради. Саошйанта келгач, эзгулик узил-кесил ғалаб қилади. Инсоният ўз аслига муносиб абадий ўлмасликка, абадиятга доҳил бўлади. Авеста уқтиришича, Жамшид подшо бўлган даврда илоҳий аҳд бузилиб, одамларга ман этилган ишлар юзага чиқмаганда эди, ўша жаннатий ҳаёт узилмаган, эшулик ва разолат қоришиб кетмаган бўларди. Энди эса, қайтадан покланиш учун фақат эзгу ишларни кўпайтириш лозим. Қолаверса, гуноҳларни худо олдида сўраб олиб, бандаларни абадий жаннатга етакловчи зот ғояси жаҳон динларида Авестадан бошланган, десак хато қилмаймиз.

Инсоннинг энг олий бурчи-адолатли ҳалол ҳаёт кечириш. Бу қоида «Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал» каби уч асосий ахлоқий қоидадир. Буларга оғишмай амал қилган одам қабоҳат устидан ғалабага чин ҳисса қўшган бўлади. Қолаверса, эзгу ўй жаннат равзаларининг биринчиси, эзгу сўз эса иккинчи жаннат. Жаннатнинг учинчиси эса эзгу амал ҳам учувининг инсонда мужассам бўлиши эзгу дунё равақининг асосидир.

Одам меҳнат қилиб, эзгу моддий бойликларни қанча кўпайтирса, шунча қабих кучларни йўқ қилган бўлади. бунинг йўли осон: одам чорвани кўпайтириши, ерни ишлаб озиқ-овқатни кўпайтириши, уй-жой ва юртини обод, фаровон қилишга хизмат қилиши керак. Меҳнат билан покланган ердан жин, алвасти, дев каби нопок кучлар йўқолади.

Видевдат китобидан 3-бобида деҳқончилик энг худога яқин мақбул иш, деб таърифланади: «Эй борлиқнинг яратувчиси, ҳақ! Қандай ер энг мақбул ер бўлади?»

Художўй имонли инсон уй курган, олов ва сут билан маъмур қилган, хотин, бола-чақа, чорва билан обод қилган жой муқаддасдир...

Бундай уйда мол-хол мўл, иймон мўл, емиш мўл, итлар мамнун, хотинлар ва болалар фаровон, олов мўл ва барча эзгуликлар мўлдир.

Қаерда дон, ўт-ўлан, мева-чевалар мўл бўлса ўша ер маъмурдир. Қаер курғоқ бўлса-ю, ўша ер суғорилса, ботқоқ ер қуририлса, ўша ер азиздир. Йирик ва майда чорва кўп ўғит берса ўша ер азиз... Кимки ўнгу сўл, сўлу ўнг қўл билан ерни ишласа, ўша ер хосилдор ва азиз бўлади. Бу иш гўё севгусчи эр севимли хотини пуштида ўғил пайдо қилгани каби (савоблидир).

Кимки ерга ишлов берса, унга ер шундай дейди: Эй мени соғу сўл, сўлу соғ (ўнг) қўл билан эъзозлаётган инсон, мен сенга чиндан ҳам барча неъматларни бераман. Кимки менга ишлов бермаса, ундай одам абадий ўзгалар эшигида тиланчилик қилади.

Кимки дон сепса у иймон сепеди. Дон етишган жойдан жинлар ва девлар узоқ бўлади.

Зардуштийликнинг энг муҳим хусусияти унда ягона эзгулик дунёсини яратувчи илоҳ Ахура Мазданинг тан олиниси. Лекин моҳит эътибори билан Зардуштийликда яқка худолик ғояси Зардуштгача бўлган кўпхудолик анъаналари билан қоришиб кетади. Бу қоришиш зардуштийлик ахлоқий қарашлари негизида ётувчи эзгулик ва қабоҳат курашида намоён бўлади. Эзгулик дунёсининг холиқи Ахура Мазда, қабоҳат дунёси бошида –Ахриман. Бу икки қарама-қаршилиқ кураши дунёнинг яшаш шакли сифатида талқин қилинади. Гап шундаки, Ахриманнинг пайдо бўлиши дунёнинг покланиш йўлидаги ҳаракати самарасидир. Зеро, Ахриман Ахура Мазданинг борлигидан ажралиб чиққач, Мутлақ ҳақ-Ахура Мазда қарор топади. Унинг яратган эзгуликлари билан Ахриман яратган қабоҳат ва разолат қоришиб кетиши вақтинчадир. Бу даврда инсоният мураккаб синовлардан ўтишга мажбур. Лекин 3 минг, 6 минг, 9 минг, 12 минг йил кураш давомида эзгулик дунёси Ахриман томонидан қарама-қарши қуйилган қабоҳат, разолатдан, яхшилиқка зид ёмонликдан тўла-тўқис фориғ бўлади. Шундан сўнг абадий

роҳат-фароғат бошланади.. Авсета ва зардуштийлик ахлоқий-фалсафий китоблари ҳаётни, ана шундай тушунтирган. Бу улкан самарага эришмоқда инсоннинг ўрни ғоят муҳимдир. Одамзод илоҳнинг ҳақиқатини ўзлаштиришга, унинг яратган эзгуликларини кўпайтиришга, бир бора илоҳга эътиқод қилишга, унинг ҳукмига мувофиқ «эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал» ақидага содиқ бўлишга масъул бўлгач, бор умрини шу ҳақиқатга бағишламоғи керак, деб ҳисобланган.

Ахура Мазда барча одамларни эзгуликка сафарбар қилиб, уларнинг ижтимоий ахлоқий тизимини ҳам Зардушт орқали хабар қилади. бу ахлоқий ижтимоий фалсафий тизим зардуштий адабиётида ҳар томондама таҳлил қилинган. Бу қоидаларга амал қилиниши маънавий камолот йўли деб тушунилган. Жумладан, Ўрта форс-пахлавий тилида етиб келган зардуштий панду насихатлар китоби «Дотестони менўки хирад» («Билга-оқил зотнинг ўғитлари») да аجدодларимизнинг ўзига хос, айти чокда умумбашарий тафаккур тарзи ва ўлмас қадриятларининг илдизларини кўриш мумкин: аввало, барча эзгу борликни энг юксак ақл-билгич ва қодир, ҳолиқ зот яратган, бу борликни оқилона ўзгариб боришини (камол топишини) ҳам ўзи бошқариб туради. Бу борлиқ бир бутун, яхлит, унинг майда зарралар ва бўлақларга, айрим нарсаларга бўлинган кўриниши эса нисбийдир. Борлиқ етиб йўқ бўлмасдир, унинг энг яхши маҳсули ўлмаслик бўлиб, унга ақл билан эришилади. Аммо ақл билан билганинг барча билганларини ўрганиб олиш мушкул зеро, инсон билганлари худо билганларининг бир заррасидир. Шунинг учун инсон бир умр билишга сафарбар этилган. Билиш эса савоб, эзгу ишдир. Билим излаган инсон билимга етишгусидир. Билган эса билган руҳи орқали инсонга шуни ўргатади: эзгу ишлар ва солиҳ амаллар ақл қудрати воситасидагина мумкиндир. Беақллар бунга қодир эмас.

Билга руҳи инсон руҳини тарбиялаб қуйидагиларни ўргатади:

Танни қандай соғлом ва зиён захматсиз асрамоқ мумкин? Бунинг учун ўзингдан пастни ўзингга тенг кўр, ўзинг билан тенгни ўзингдан улуг бил, ўзингдан улугнинг ҳурматини бажо эт. Улуглар олдида одоб сақла, уларнинг

итоатида бўл, душманга нисбатан ҳам олижаноб, юмшоқ ва хайрхоҳ бўлгинки, (сенинг бу ишинг унга ҳам инсоф, диёнат руҳини сингдирсин).

Тан-жоннинг ва руҳнинг соғлом бўлиши учун ғийбатдан сақлан. Ғийбат номингга иснод ва руҳингга гуноҳкорлик уруғини экади. Чунки Авестада айтилган: ғийбат, иғво жодугарликдан ҳам оғир гуноҳдир. Ғийбатчига-дўзах.

Мол-дунёга хирс қўйма, очкўз бўлма. Дунёга хирс қўйиш дунё лаззатларини бемаза, бехаловат қилади. Самовий абадий лаззатлардан маҳрум қилади.

Ғазабдан ўзингни асра. Чунки ғазаб туфайли инсон ўз ишларини, эзгу мақсадларини унутади, илоҳ олдидаги вазифалари, ибодати ва халол меҳнатидан қолади. Ғазаб туфайли қабих ниятлар ва ёмон ишларга қўл уради. Ғазаб Ахриман каби ва ундан пайдо бўлган.

Ўзингни ғам-андухга топширма. Ақл билан иш тутиб, ғамдан ўзингни фориғ эт. Чунки ғам-алам туфайли Ахура Мазда инсон руҳининг тарбияти учун берилган неъматдан-ер замин қувончи, ҳаёт лаззати, самовий абадий лаззатдан маҳрум бўлинади. Ғам олдида чора топмоқ эса-ақлдандир.

Хирсга берилма, ҳисни тизгинла. Меъёр кетса, руҳингга зарар етади, афсус туғилади.

Инсон ҳасаддан ўзини эҳтиёт қилиши керак. Ҳаётда ҳасад устун бўлса халоват йўқолади, сафо ўлади. Эзгуликлар, дунё тартиботи, болийива қашшоқлик, ҳукмронлик, уддабуронлик, муносиблик – булар инсонга худодан ато нарсалардир. Бу йўлда инсон ақл идроки ёрдамида камол топиши мумкин. Ҳасад худо берганидан ортиққа даъво қилишдир.

Уйқуга ружу қилма –савоб ишдан қоласан.

Сергаплик гуноҳларни кўпайтиради. Камсуҳанлик эзгуликларни кўпайтиради. Чунки камсуҳанлик фикрлаб сўзлашга имкон беради.

Тиришқоқ бўл, топганинг билан тириклик қил. Ортганини худо ва авлиёлар йўлида мухтожларга эҳсон қил. Эҳсон қилишларинг орасида энг улуғи ва зарури шудир.

Ўзгалар молини олма, акс ҳолда ўзингникини йўқотасан. Зино, ўзгалар хотинига қараш бойлигинингни, танингни, қалбинг ва руҳингни ғорат қилади.

Қасд кидирувчи одамдан йироқ бўл. Очкўз билан ҳамкорлик қилма. Унга айниқса ҳокимият берма. Ёмон ном чиқарган одам билан муомала қилма. Тентак билан тортишма.

Хотин олсанг олижаноб, хушодоб, оқила қизга уйлан.

Маст билан ҳамроҳ бўлма. Нокасдан қарз бўлма.

Илм ўрганиш, илоҳий ҳақиқатларни билиш, худога сажда йўлида тиришқоқ бўл, чунки бу ақлингни руҳингни ўстиради, қалбинг ва руҳингни савобга доҳил қилиб, гуноҳдан асрайди.

Савоб иш яхши ниятдан бошланади. Ҳақгўйлик адолат учун заминдир.

Ёлғон сўздан адолатсизлик туғилади. Ишнинг барори учун тиришқоқлик керак. Ўзгу ишни бошлаш учун далил керак. Далил бўлиш учун ишининг ҳақлигига ишонч керак.

Борингга қаноат ва шукр лозим. Борни ҳалол кўпайтириш эса меҳнат билан.

Зулмдан ва қабоҳатдан ўзни қутқариш учун гаров ўзингнинг мажбуриятларини тўла адо этишдир.

Дўстларнинг тинчлиги сенинг самимий дўстлигинг. Дўстга садоқат. Ўз руҳинг билан зиддиятга тушмасликнинг бирдан бир йўли фойдали меҳнат, меҳнатдан руҳан қаноат қилишдир.

Соғлиқ учун муҳим шарт меъёрида тановул қилиш. Танни меҳнатда тутиш.

Оқил ҳукмдорнинг ишини қувватлаш фуқаронинг фарзи. Ҳукмдор яхшини ёмондан ажрата билиши, адолат учун муҳимдир, яхшини эъзозлаши ёмонни жазолаши ғамгин бўлмаслик учун қаноат ҳиссини тарбиялаш муҳимдир.

Турли санам, бут, тасвирларга сиғинма деғу жинларга топинма. Ўзгу ишларни кўпайтиришдап ғайратли бўл.

Эзгу ишни кўз-кўз қилма. Мақтанчоқлик қилма. Ердаги ҳаётингни безашга уринма. Камтарона яшаш худога маъқулдир.

Амалу мартабага ишонма. Охири амалсиз, мартабасиз қоласан. Ердаги ҳурмат-иззат алдамчи, самодагисини яратиш учун эзгу ишларингни кўпайтир. Эзгу ҳаёт кечирган инсон руҳи жаннат бихиштга лойиқдир.

Хулоса ўрнида шуни айтамикки, зардуштийлик, унинг муқаддас китоби саналмиш «авеста» аجدодларимизнинг узок ўтмишда, ҳали ислом дини шарофатига муяссар бўлиб, иймонга келтирмасдан аввалги улкан ақлий изланишлари, ҳақ йўлини топишдаги жасорат поғоналаридан биридир. Бу қадимий меросни ўрганиш, ундаги умумбашарий ва абадий кадр-қийматга эга ғояларни тарғиб этиш, халқимизни эзгулик йўлида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгадир.

1.2. Авестада акс этган Марказий Осиёнинг энг қадимги давлатчилик жараёнлари

Авеста шаклланган даврда Ўрта Осиёда жамият ибтидоий ҳолатдан патриархал тизимга, мулкӣ нотенгликка ва ниҳоят, ҳудудий жиҳатдан бир қанча воҳа ва водийларни эгаллаган давлатчилик куртакларига эга эди.

Марказий Осиёнинг баъзи қисмларида илк давлат уюшмалари пайдо бўла бошлаган бу давр хронологик маънода мил.авв. II минг йилликнинг охири I минг йилликнинг биринчи чораги билан ўлчанса тўғри бўлади. Бундай йирик ҳудудий бирликларни авеста Дахйу-састи деб атайдӣ.

Шундай ҳудудий давлат бирликларидан қадимги Хоразмни кўрсатиш мумкин. Бу давлат уюшмаси ҳақида илмӣ баҳс-мунозаралар жуда кўп ва улар ҳалигача узил-кесил поёнига етган дейиш қийин. Аввало Хоразм воҳасида давлатчилик масаласи «Қатта Хоразм» тушунчаси орқали кенг машҳур бўлган.

Аввало «Қатта Хоразм» тушунчаси Й.маркварт томонидан Авестанинг «Эрон веж» тушунчасини қиёслаш туфайли пайдо бўлган. Бу олим Геродот берган маълумотларни, яъни қадимги варасмийлар Акес дарёси бўйида яшаганлар ва улар кейинчалик ҳозирги Хоразмга келиб жойлашганлар, деган

фикрни асос қилиб олиб, Хоразм қадимда Хуросоннинг бир қисми ҳам ўз ичига олган, деган хулосага келади. Шундан бошлаб бутун XX аср давомида «Катта Хоразм» атамаси тилдан тушмай келади³⁷. Шунга биноан Катта Хоразм мил.авв. I минг йиллик бошларида улкан конфератив уюшма бўлган, деган фикр ўрнашиб қолган. Ҳозирги Хоразм воҳаси шунинг бир қисми бўлиб, шимолий минтақада жойлашгани учун табиатида 10 ой қиш бўладиган Эрон вежга қиёс қилинади. Бу фикр ҳам Й.Маркваритдан бошланган.

Геродот «Катта Хоразм» фойдасига баъзи маълумотларни келтиради: «Осиёда бир текислик бор. Унинг ҳар томони тоғлар билан ўралган. Тоғларда эса бешта дара бор. Бу текислик қачонлардир Хорамийларга тегишли эди. Ушбу текислик журжонлар, парфиёнлар, саранглар, таманнийлар билан чегарадош. Текисликни тўсиб турган тоғдан катта дарс - Акес оқиб чиқади. Дарё суви бешга бу миниб, мазкур халқларнинг ерларини суғорар эди³⁸. Геродотнинг ушбу хабарига кўплаб олимлар фикр билдирган. Масалан, Акес дарёсини Гажан дарёси билан қиёс қилинган. Геродотнинг маълумоти ундан олдин, мил.авв. 500 йилда яшаган Гекатейнинг ёзган гаплари билан тасдиқланади. Унга кўра хорасмийлар парфияликлардан шарқда яшаган. Бу Геродотнинг Акес дарёси ҳақидаги гапига тўғри келади.

В.Б.Хеннинг «Катта Хоразм» масаласида Авестанинг йил хусусиятларидан келиб чиқиб, айтадики, Хоразмий тили билан Авеста тили бир-бирига у қадар яқин мос келмайди. Авестанинг Гоҳлари Марв воҳаси ва Хирот атрофларида яратилган бўлса керак.

Хоразм ҳақида баҳс-мунозарадардан қатъий назар қадимда катта Хоразм давлат уюшмаси ҳақиқатлар ҳам бўлгани шубҳадан ҳолдир³⁹.

Авестада акс этган яна бир давлат уюшмаси қадимги Бактирядир. Бу ҳақда қадимги юнон муаллифи Ктесий бир қатор маълумотлар қолдирган. Масалан, у Ассирия подшоси Нин Бактрияга қарши уруш очгани ҳақида

³⁷ Б.Г.Гафуров. Таджики... –С.151-152.

³⁸ Геродот. История. III книга. –М.,1974. –С. 117.

³⁹ Б.Г.Гафуров. Таджики.... –С.59.

хабар бериб, Бақтриянинг аҳолиси зич, йирик шаҳарлари кўп экани ҳақида ёзган. Мамлакатнинг пойтахти Бақтра катта шаҳар бўлган. Унинг подшоси Оксиарт бўлиб, хазинаси ниҳоятда бой, деб хабар беради. Аммо олимларнинг таҳлилига кўра, Ассирия подшоси Ниннинг Бақтрияга юриши Ктесий томонидан Кирнинг Лидияга юриши Ктесий томонидан Кирнинг Лидияга юриши воқеасини Бақтрияга кўчиришдан туғилган уйдирма деб баҳоланган⁴⁰.

Қудратли Бақтрия подшолиги бўлганини Геродотнинг хабарлари ишончли келтиради. Масалан, унинг айтишича, Кир Лидияни босиб олгач, унинг йўлида Бобил подшолиги турар эди, сўнгра бақтрияликлар юрти, ниҳоят, Мисрни босиб олиш режаси бор эди». Геродот шундай қилиб, Бақтрияни Миср ва Бобил каби кучли давлатлар қаторига қўйган.

Бақтрия давлат уюшмасининг ҳудудлари қадимда анча кенг бўлган. Б.Ғофуровнинг фикрича, Бақтрия ўша даврда Суғд ва Марғиёнани ҳам ўз тасарруфида тутган⁴¹.

Бақтрия Авестада Баҳди деб аталиб, тўқ, фаровон, бой мамлакат сифатида таърифланади⁴². Ўрта Осиёда Хоразм ва Бақтриядан ташқари илк давлат уюшмалари Суғдда, Фарғона водийсида, Марғиёнада, Парфияда ҳам шаклланиб келмоқда эди.

Масалан, Суғд зарафшон ва Қашқадарё воҳаларини эгаллаган қадимги ўтроқ деҳқончилик ўлкаси эди. Булардан ташқари саклар дунёсида ўзига хос қабила иттифоқлари, кўчманчи давлат элементлари мавжуд эди.

⁴⁰ И.В.Пьянков. Восточные сатраппи державы ахеменидов сочинениях Ктесия. Автореферат кан.дисс. –М., 1966.

⁴¹ Б.Ғ.Гафуров. Таджики..., –С.60.

⁴² Видевдат. II фрагмент. Таржимон Аскар Маҳкам Авесто. –Т.:2001

2.1.Зардуштийликда замон ва макон тушунчаларининг талқини

Энгмўтабар қўлёзмалардан бири “Авесто” яратилганига 3000 йил бўляпти, - деган эдилар Президентимиз Ислом Каимов таихчи олимла билан учрашувда. Бу китоб бундан ўттиз аср олдин аждодларимиз томонидан мана шу заминда яъни икки дарё оралиғида яшаган аждодларимиз томонидан яратилган. Авесто биз авлодларга қолдирилган маънавий, тарихий мерос бўлиб уни ўрганиш, асраш ва авайлаш бизнинг бурчимиздир. Дарҳақиқат “Авесто ўрганилиши зарур бўлган маънавийва тарихий хужжат бўлиб, умуман унда замон ва макон, коинот, инсон ва ҳаёт, ўлим ва абадиёт сингари бутун инсониятга муштарак жумбоқлар, саволлар ва сабаблар ҳақида ҳикоя қилинади.

Авестода дунёнинг яратилиш ва тузилиши, инсоннинг камол топиши, эзгуликнинг ёвуз кучлар билан кураши, эркинлик, ижодкорлик ва бунёдкорлик йўлидаги орзулари ўз ифодасини топган.Зардуштийлик йўлида тадқиқот олиб борган айрим олимлар Авесто китобида эзгулик билан қабоҳат, нур билан зулмат, ўлим билан ҳаёт ўртасидаги доимий курашда аждодлаимизнинг дуалистик қарашлари мавжуд деган қатъий хулосага келишган. Одамзод ер, сув, ҳаво ҳамда қуёшни бевосита ҳис қилишдан аста-секин “ Табиат нима?”, “ҳаёт нима?” “Ўлим нима?” каби мураккаб саволлар томон фикран ўсди,тараккий этди. Қоронғиликдан ёруғликка чиққандай, билимсизликдан маърифат сари, макон ва замон ҳақидаги тасаввурлар ҳамда тушунчалар сари силжиш-маънавият йўлини қанчалик узун ва узлуксиз эканлигини сезиш одамларнинг маънавий дунёсини ўзгартирди⁴³.

Бизнинг асримизда олиб борилган археологик қазилмалар шундан доалолат берадики, одамзод ибтидоий даврлардаёқ замон ва макон ҳақидаги қарашларида икки нарсани, яъни олам тўғрисидаги тушунча ва тасаввурларнидоимо бирга қўшган ҳолда тараккий этган.

⁴³ Тилаб Маҳмудов «Авесто ҳақида» Т.; 2000 Б 29-30.

Инсоният табиат, жамият ва коинот ҳақида қанчалик билим ва тажриба тўпламасин, бир томонда атроф муҳитга унинг мослашуви ва яшаш тарзи осонлашгани билан, иккинчи томонда чуқурлаш маънавият уни янгидан-янги жумбоқлар, саволлар ва даъволар олдида ожиз этиб қўяверган. Йўқдан бор бўлиши ва борнинг охир оқибат йўқ бўлиб кетишин тушуниш одамзод тафаккурини ҳаракатга келтиргачи асосий омилга айланган ва мана шу жараёни идорк этгандан кейинги даврни инсоният цивилизациясининг бошланиш нуқтаси деса бўлади.⁴⁴

Авестода табиат билан одам масаласи катта ўрин тутган. Одам табиат бағрида яшагани учун уни ардоқлайди, табиат сирларини, унинг кучларини билмагани учун ундан қўрқади ва нажот излайди. Авестода табиат кучларини жонлантириб. Уларга одамга хос хусусиятлар бериш орқали мифлаштирган. Тушунча ва тасаввурлардаги ижтимоий тажрибанинг ожиз ва торлиги, ўз навбатида, мифологик тафаккур тараққиётини ҳам белгилаган. Афсона ва ривоятларда инсоният инсоният болалик чоғининг дастлабки бадиий-эстетик тафаккур тарзи ўз ифодасини топган. Нимаики инсон диққатини жалб этган бўлса, ниманики инсон ҳоҳлаган ёки тасдиқламоқчи бўлса, албатта, бундай ният, орзу ва амал образли ҳаёлот билан ўралган. Шу тариқа диний, фалсафий, бадиий тафаккурнинг бирлигидан ташкил топувчи мифология инсоният билими ҳамда ахлоқий-эстетик тасаввурларининг дастлабки қомуси вазифасини бажарган.

Инсоният пайдо бўлибди-ки, ики қутиб-нур билан зулмат, адолат билан разолат, яхшилик билан ёмонлик, маърифат билан жоҳидият ўртасида азалий ва доимий кураш кетади. Шунга биноан дунёнинг пайдо бўлиши ва ундаги ҳаёт билан ўлим ўртасидаги курашни Ахура Мазда ва Ахриман каби бир-бирига зид кучлар ажратади. Авестода эзгулик худоси Ахура Мазда, ёвузлик ибтидоси эса Ахриман тимсолида келган. Яхшиликни ифодаловчи кучлар осмонда, ёмонликни ифодаловчи кучлар ер остида тасвирланади. Ер сатҳи кураш майдони. Бундан ташқари оламда ҳам тана ва руҳнинг қарама-

⁴⁴ Ўша китоб, Б-29

каршилиги бор, одам ахлоқи эса яхши ва ёмон хулқ одатлар курашувидан иборат. Олам ва одам ҳаётиқарама-қарши томонлар ва улар ўртасидаги зиддиятлар туфайли ўзгаради⁴⁵ ҳамда ривож топади. Мана шу икки рух, икки куч дунёни бошқаради. Улар ўртасидаги кураш абадийдир.

Авестода сув, ҳаво, тупроқ ва олов ҳақидаги фикрлар диққатни ўзига жалб этади. Олов оламни нурафшон қилса, ер ризқ-руз, сув ҳаёт ва нажот манбаи, ҳавосиз тириклик йўқ деб таърифланади. Қизиғи шундаки оламнинг асосини ташкил қилган бу унсурларўзаро боғлиқ қаралади ва уларни асраб авайлаш, ифлос қилмаслик одамнинг муқаддас бурчи деб ҳисобланади.

Бир қасидада Зардушт Ахура Маздадан сўрайди: “Ким ойнинг чиқиб ва сўнишини яратган?” “Ким ерни ва тушиб кетмасин деб булутларни ушлаб туради?” “Ким сув билан сув билан дарахтларни яшнатиб, шамол тезлигини булутлар билан қовуштирган?” Бунинг ҳаммасини Ахура Мазда бунёд этган деган жавоб Зардуштнинг ўзи томонидан берилади. Уни ўз руҳидан одамни жонли, онгли, ўзини англагувчи қилиб яратган. М.Исҳоқовнинг “Яшт китоби” даги ушбу парча сўзимизга далил бўла олади:

Ахура Мазда сўз қотди:

Менинг номим эрур бу,

О Спитама , О Зардушт

Ҳар нарсадан қодирроқ,

Ҳар нарсадан ғолиброқ,

Ҳар нарсадан савоброқ

Охиратда эзгу сўз....

Зардуштийлик динининг фалсафий моҳиятида дунё мураккабликлари, уларни тушуниш ва тушунтириш муаммолари ўз ифадасини топган. Рух ва моддийликнинг ҳаётийлигини тан олишга асосланган зардуштийлик динига биноан олам нур ва зулмат, ҳаётва ўлим, тана ва жон, яхшилик ва ёмонлик, ижобий ва салбий, эркинлик ва тобеълик сингари ҳодисаларнинг абадий курашидан иборат. Бу курашда бутун олам ва қуёшни яратган Ахура

⁴⁵ Авесто ва унинг инсоният тарихида туганган ўрни конференция материаллари. Тош. 2001 Б- 14

Маздага унинг доно ва ўлмас рухонийлари ёрдам беради. Ахриман эса ўзининг барча қора ва жоҳил ишларини қора кучлар орқали амалга оширади. Ахура Мазда дунёни яратиб, ерларни молларни одамларга тақсимлаб, бошпана берар экан, тинч меҳнатдан роҳатланишни, боғ яратишни, мол боқиш, деҳқончилик қилиш, ўй қуриш ва покиза ҳаёт кечиришни ато этади. Ахриман эса дугнёга жоҳиллик ҳамда касаллик уруғини сепади, одамлар ўртасида қон тўкиш ва тўполонлар уйғотишга интилади.:

Не сўз элтар ютукка,
Недур ул дардларга эм,
Не сўз ажиналарнинг
Ёвлигин барбод этар
Фоний дунёда не сўз
Эзгуликка йўғрилган⁴⁶

Бу парча М. Исҳоқовнинг “Яшт китоби” таржимасидан келтирилган бўлиб, жинлар қабоҳат ва разилликларнинг холиқи, ёвуз руҳ Ахриман томонидан яратилган ҳамда Ахура Мазда яратган эзгулик дунёсининг ёвлари ҳисобланган.

Шунда мен қақшатарман
Одам ва дев ёвлигини,
Шунда мен қақшатарман
Жодугарларнинг барин
Мени мавҳ этолмас
На деб ва на одамзод.
На афсунгар ва на жин⁴⁷

“Авесто”да девлар Ахриман яратган қабоҳат дунёсининг вакиллари. Улар одамларга душмандир. Ёлғиз Ахура Маздага эътиқод тарғиб қилинган пайтда

⁴⁶ М.Исҳоқов “Авесто Яшт китоби” Т, 2001. Б-9

⁴⁷ М.Исҳоқов “Авесто Яшт китоби” Т, 2001. Б-10

девлар қора кучлар сифатида ланатланган. Бу курашлар асносида гоҳо ёлғон, зулмат, ноҳақлик ва фирибгарлик устун келсада, Ахура Мазданинг ёрқин кучлари пировардида Анҳра Ману устидан ғолиб чиқадилар. Қуйидаги парчада Ахура Мазданинг ўзи ўз рухидан, одамни жонли, онгли, ўзини англатувчи қилиб яратганлиги лўринади:

Жон ато этдт
Жонсиз ҳилқатга
Кексаймас, ўлмас,
Қарилик билмас.
Абад барҳаёт
Абад ўсгувчи
Этди дунёни
У дунёсидан⁴⁸.

Авестода ҳар икки оламнинг яратгувчиси Ахура Мазда эканлиги кўп маротаба тилга олинади. Шунинг учун “Авесто”даги марказий ғоя бутун эзгулик оламини яратган, одамларга эзгуликни бахшида қилган бош худо Ахура Маздага эътиқод қилиш ғоясидир:

Ахура яратганлар
Ичра энг олий мақом...
Хуснда тенгсиз
Чексиз фойдали⁴⁹...

Кейинги қасидада эса Ахура Мазда дунёни яратиб табиатни турфа рангларга ажратгани ифодаланган:

Мен самони тепада
Нурафшон порлоқ қилиб,
Адл тутиб туаман.
Кўк гумбази мен учун
Тухум мисол заминни

⁴⁸ Ўша китоб. 112-бет

⁴⁹ М.Исҳоқов “Авесто Яшт китоби” Т, 2001. 112-бет

“Авесто”да ер куррасини юмалоқ-тухумсимон деб тасвирлайди. Осмоннинг чети йўқ деб тасаввур қилиш Ернинг юмалоқлиги тушунчасини тўлдириб туради. Кўп асрлардан кейин тушунилган ҳақиқатнинг асл илдизини дунёда биринчи бўлиб қадимий аجدодларимиз айтиб кетишган.

“Авесто”да Ер юзасини етти иқлим-харшварзга бўлиб тушунган давридан қадимийроқ тасаввур акс этган:

Унинг чеки-чеккаси
Бўлган эмас ҳеч қачон
Лахча чўғ, маъдан тана
Уч қисм, иқлим узра
Ярқираб турар ана⁵¹

Ернинг уч қисмга ажратиш совуқ ва қоронғулик- шимол, Ахура Мазда яратган ер жаннат замин Арйанам Ваежу ҳамда, “Авесто дунёси”дан жанубдаги ер бор деб тушунишдан келиб чиқади.

“Авесто” да қуёш галактикаси, ой, ер, юлдуз туркумлари, кеча ва кундуз, ойнинг куйиши, қуёш тутилиши, ҳайвон ҳамда паррандалар олами, зарарли ва фойдали ҳашаротлар дунёси, иқлимнинг ўзгариб туриши, тоғ ва дарёларда юз берадиган табиий ва ғайритабиий ҳодисалар хусусида ҳам бир-биридан ғаройиб далиллар мавжуд. “ Бу улкада қуёш ва ой юлдузларнинг чиқиши ва ботиши бир йилда бир маротаба кузатилади. Ўша ерларда энг яхши ва улкан ранг-баранг дарахтлар ўсирилади. Юксакликдаги хушманзара бу ерларда дунёдаги энг яхши зироатлардан экишади. Жониворни панжгона (беш уруғли жониворлар), сеторогони ҳафтгони (етти туркумли юлдузлар), Ситорогони ҳафтранг (етти рангда товланувчи юлдузлар), “ҳафт кишвар” (етти иқлим) сингари сўз ва иборалар кўп учрайди;⁵²

⁵⁰ Ўша китоб 83-бет

⁵¹ Ўша китоб 83-бет

⁵² Ҳ. Ҳомидий “Авестодан шоҳномага” Тошкент, 2007 Б-92

Хосил тўқлик ёғдириб
Кучли кенг оқим каби
Етти каршварга томон
Неъмат ёмғири оқар⁵³

Ер юзини етти иқлимга бўлиб шарҳлаш, инсоният тарихини даврлар ва босқичларга бўлиб талқин этишда анча батафсил амалга оширилган. Авестода аждодларимизнинг эрамиздан олдинги икки минг йилдан зиёд тарихга эга бўлган юзлаб асотирлари, асотирий тимсоллар ҳамда лавҳалар келтирилган. Шулардан бири кейинчалик бутун шарқ ва ғарб мифологиясида чуқур из қолдирган Митра ҳақидаги мифдир.⁵⁴

Сўз қотди Ахура Мазда
Спитама Зардуштга:
Мен Митрани ўзимдек
Намозу алқовларга
Лойиқ қилиб яратганман.
Яйловларини кенг қилиб
Яратганман мен уни.⁵⁵

Бу образ энг кўҳна замонларда қуёш худоси сифатида оламни мунаввар этадиган, еру кўкни қуёш тафтидан баҳраманд этадиган буюк тимсол бўлган, аста-секин унинг сиймоси унинг сиймоси мутлоқо бошқача моҳият касб этиб боради ва адолат, жасорат, ободлик тимсолига айланади.

“Яйлови кенг ибораси” Авестода тез-тез учраб туради. Бу ҳол зардуштийлик шакллланаётган босқичда чорвачилик ҳаётнинг етакчи тармоғи бўлганлиги билан боғлиқ. Митра ер юзини обод, осойишта бўлишини, чорвадорлару, деҳқонлар эркин бўлишини таъминлайди.⁵⁶

Митрага топинурмиз
Минг қулоқли алп қомат,

⁵³ М. Исҳоков “Авесто. Яшт китоби” Тошкент, 2001 Б-78

⁵⁴ Ҳ. Ҳомидий “Авестодан шохномага” Тошкент, 2007 Б-132

⁵⁵ М. Исҳоков “Авесто. Яшт китоби” Тошкент, 2001 Б-78

⁵⁶ Ҳ. Ҳомидий “Авестодан шохномага” Тошкент, 2007 Б-132

Туман минг кўзли зотга

Қудратли ва новчага

Чексизни илғовчи

Уйқусиз бедор зотга....⁵⁷

Халқ Митрани алқову дуолар ва қурбонликларбиланпешвоз олади; у бир зарб билан шн минг, юз минг душманни ҳалок этади. Минг кўзли, минг кулоқли, Митра абадул-абад уйқу билмасдир. Каби ўхшатишлар худонинг сифатларини “Авестодаги кўриниидир.

Ғилдираклари баланд

Осмоний аробани

Бошқарар кун чиқардан

Парвоз этиб пурвиқор

Ёрқин хваниратадек

Кўркам иқлим устидан⁵⁸...

Бу ўринда митра самода қуёшнинг олтин аравасини бошқарувчи сифатида таърифланади. Эрамиздан аввалги 5-4 асрларга тегишли Амударёдан топилган хазинада “осмоний ароба” сўзининг иллюстрациясини кўриш мумкин. Унда тўртта отга қўшилган аравача устида иккита одам сиймоси олтин ҳайкалча тарзида ишланган. Бу аравача модели орқали қуёш худоси митранинг улуғвор, олижаноб ва ёрқин образи тасвирланади.⁵⁹ Хванирата эса ер юзининг одамлар яшайдиган энг гўзал қисми бўлиб, бу тушунча Ўрта Осиёга қиёс қилинади. Кейинги парчада эса Митранинг яна бир сифати келади: Қуёш ботган чоғида

Кенг ернинг икки четин

Ҳадсиз юмалоқ ернинг

Четларин қамраб ўтгич

Митрага топинурмиз⁶⁰

⁵⁷ М. Исҳоқов “Авесто. Яшт китоби” Тошкент, 2001 Б-48

⁵⁸ М. Исҳоқов “Авесто. Яшт китоби” Тошкент, 2001 Б-57

⁵⁹ Тилаб Маҳмудов “Авесто” ҳақида. Тош. шарқ. 2000. Б-48

⁶⁰ М. Исҳоқов “Авесто. Яшт китоби” Тошкент, 2001 Б-62.

Ёки бошқа бир парчада :

Учар ўнг томон узра

Айланиб кенг заминни

Чекига етиб бўлмас

Юмалоқ чўнг заминни.

Митра қуёш ботган кейин ғарбдан шарққа жанубий ярим шар бўйлаб қайтиб учади. Авестони яратган аждодлар тасаввурларида ернинг юмалоқлиги ва доиравийлиги тушунчалари қоришиб кетган. Ерни юмалоқ деб билишнинг ўзи тафаккурнинг ютуғидир.

Моддий-маънавий илдизларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи янва бир нодир топилмалардан бири 1939 йилда Катта Фарғона канали қурилишида пайтида топилган, ҳозир Ўзбекистон тарихи музейида сақланаётган эр. авв VI-IV асрларда қуйилган катта бронза қозондир. Қозоннинг четидан тўртта кулоқлари орасига бир-бирининг орқасидан кетаётган 4 та эчки ҳайкалчалари ўрнатилган. Ундаги ҳайкалчалар шаклидаги кулоқлар ҳам чархпалак дунё ва унда айланма ҳаракат қилаётган эчкилар ҳақида ҳикоя қилади. Агар зардуштийлар таълимоти ва ўша давр дунё қараши нуқтаи назаридан қарасак уч оёқда турган қозон дунё, эчкилар эса осмондаги сайёраларнинг узлуксиз ҳаракати ҳақида ҳикоя қилади⁶¹.

Митра қасидасида Зардуштийларнинг дунёни тузилиши тўғрисидаги тасаввурларида дунёнинг 4 томони: шарқ, ғарб, жануб ва шимол ҳақида тушунчалар бўлганлиги яққол кўринади:

Митра учиб ўтади

Яйловлар кенг ул зот

Шарқ-Ғарб оша ўтади

Шимол-Шарқу Шимол Ғарб,

Жануб-Шарқу Жануб Ғарб-

Гўзал ер узра учар

⁶¹ Тилаб Маҳмудов “Авесто” ҳақида. Тош.шарқ.2000. Б-48

Ва порлоқ хванират⁶².

Бу парчанинг характерли томони шундаки, Митра бутун оламини кузатиб туради, ер юзи унинг тасарруфида, деб курраи замин Арезахи-Шарқ, Сабахи-Ғарб, Фрадуфшу-Шимолий Шарқ, Видадаошу-Шимолий Ғарб, Ворубарзи-Жанубий Шарқ, Ворудзаришти-Жанубий Ғарб ҳамда Хванирата-Марказий ер сингари етти иқлимга бўлиб кўрсатилади⁶³. Шундан сўнг осмоний тангри Митра ана шу кишварлар устида учиб юриб, уларга бахт улашади, юртларнинг ривожини мустаҳкамлигини таъминлайди. Шунингдек, дунёнинг яратилиши, ер юзини тўрт океан ўраб туриши, Волга, Ҳинд ва Тигр дарёлари, куриқлик билан сувлик жойларнинг таносибини ва бошқа маълумотлар ҳам бор⁶⁴.

Турли бандларда Суғд, Марв, Нисо, Хоразм, Ишкат, парут, Харайва, Гава (Суғдиёнадаги шаҳар), Хара (Элбруз тоғининг тоғлари), Ранха сингаридарёлар, тоғлар, жой номлариининг турли муносабатлар билан тилга олинishi қасиданинг қадимги дунё географиясини ўрганишда ҳам муҳим манба ҳисобланади.

Митра сиймосида қадимги аجدодларимизнинг эл-юрт пуштипаноҳи, енгилмас идеал қаҳамон ҳақидаги орзу-умидлари ҳам мужассамлашган:

Қўриқлайсан юртларни

Топинса гар Митрага

Яйловлари чексизга

Қақшатарсан элларни

Митрага бўйсунмаснинг⁶⁵

Митра юрт осойишталиги, қабилалар ҳамжиҳатлигини барқарор этиб, Ахура Мазда бандалари девору-эшиклари мустаҳкам уй-жой, сурув тўла кўрғон, душмандан, жодугару-сеҳргарлардан ҳимоя қиладиган бир хукмрон сифатида

⁶² М. Исҳоқов “Авесто.Яшт китоби” Тошкент, 2001 68-бет.

⁶³ Ҳ. Ҳомидий “Авестодан Шохномага” Т.: 2007.

⁶⁴ Ҳ. Ҳомидий “Авестодан Шохномага” Т.: 2007. 88-бет.

⁶⁵ М. Исҳоқов “Авесто.Яшт китоби” Тошкент, 2001 63-бет.

таъриф этилади. “Митра хомийлигида бутун ўлкамизни ғанимлардан асраймиз” деёилади. Бандлардан бирида.

Митра ҳақидаги шеърий қасидаларни бир-бирига мантиқийизчилликда синчковлик билан ўқиб кузатилса у ихчам бир дostonни эслатади. Чунки унда Митра кўш отли аравасида эл-юртни боло-казолардан ғанимлардан химоя қилиб Аҳриманни маҳв этади.

Шеърларда бир томондан, Митра илоҳий қудрат соҳиби, иккинчи томондан у нур, ҳаёт, яхшилик, униб ўсиш, тараққиёт ҳомийси сифатида мадҳ этилади. Қасиданинг бошидан охиригача Митра барча жойларда адолатпешаю, ватанпарвар, элсеварларга ғалаба келтираверади. Авестодаги яна бир кизиқарли географик маълумотлар дунё тоғлари хусусидаги далиллардир. М.Исҳоқовнинг “Яшт китоби” таржималарини кўздан кечирав эканмиз, унинг турли қисмларида етти иқлимдаги тоғларнинг миқдори, тузилиши, уларда қор бўлиши ёки бўлмаслиги, доимий музликлар тўғрисидаги тафсилотларга кўзимиз тушади.

“Замяд яшт” қасидасида тоғларнинг номлари ҳақида қўйидагиларни ўқиймиз:

Кунботардан кунчиқар

Томон барча юртларни

Ўраб кўкка бўй тутар

Баланд харатти тоғи

Харатти тоғи мифологик тоғнинг номи, Хусусан Митранинг бутун борлиқни кўриб туришлилик макони ҳисобланади. Ушбу парчада:

Сўнг ер узра чўзди бўй

Иккинчи тоғ Зердаза...

Ушида , Ушидарна

Тоғларидир устивор

Уларнинг орқасида

Яшириндир Эрзифай

Олтинчи тоғ-Эрзура

Еттинчи тоғ Вумина
Саккизинчи тоғ Раодита
Тўққизинчи-Мазишда
Ўнинчи Антардахйу
Ўн биринчи-Эрзиша
Ўн иккинчи-Ваттиса⁶⁶

Ушбу заминдан дастлабки бош кўтарган тоғ баланд Албрўз бўлиб, бутун Шарқу-Ғарб сарзаминларини ўраб олган. Иккинчи тоғ Зерза-Зардаз бўлиб, “Мануш”нинг у томонидан Ғарбу-Шарқ сарзаминларини ўраб олган. Ушбу тоғлардан кейинчалик Ушидам, Ушидран ва Арзифия –Эрзифай тоғ тизмалари ўсиб чиқди. Олтинчи Эрзура-Орзу тоғи, еттинчи Бумия, саккизинчи Завдит, тўққизинчи Мазшибант, ўнинчи Антардангху, ўн биринчи Арзиш, ўн иккинчи Войтигас тоғлари пайдо бўлади. Шу тартибда яна элликдан ортиқ тоғ ва тоғ тизмалари санаб ўтилади. Шундай қилиб, дунёда 2244 та тоғ бор. Бу тоғлар ер юзини қанчалик ўраб, тўсиб олмасин, яратганнинг ўзи чорвадорлару, паррандапарварларга у ерларга ризку-рўз яратиб беради. Дикқатга молик томони шуки, ҳар бир улкан тоғнинг 6-8 тагача тизмалари ҳам санаб ўтилади, деярли барча тоғлар саҳролардан ўсиб чиққан, айримларининг хоссалари эса алоҳида таъкидланади.

Қадимги аجدодларимиз ерларнинг мелиоратиб ҳолатини яхшилаш, ариқ қазиш, канал чиқариш, сув ҳавзалари – дамбалари қуришга ҳам алоҳида эътибор беришган. Вендидод ҳамда Яштларда қадимги Хоразмни суғориш тизими ҳақида кўплаб маълумотлар мавжуд. Баъзи лавҳаларда у ёки бу дарё шаҳобчаларининг пайдо бўлиши тарихи баён этилган. “Авесто”даги далиллардан маълум бўлишича ўша даврларда биргина Амударёдан мингта шаоҳобча ва мингта анҳор ажралиб чиққан эди: “Мен-Ахурамазда яратган⁶⁷ илк сарзамин ва бирламчи юрт бу Доитиё дарёси соҳилидаги хушманзара

⁶⁶ М. Исҳоков “Авесто.Яшт китоби” Тошкент, 2001 110-111-бет.

⁶⁷ Асқар Маҳкам “Шарқ”, 2001 107 бет.

Ийрон Виж эди. Доитиё ёки Доитий – “Авесто”даги асотирий дарёнинг номи. Баъзи авестошунослар уни Амударё ёки Зарафшон дарёларига нисбат берганлар. Бошқа таржималарда “Билгилким Ардвиссура Анаҳита минг дарёча ва минг анҳор уларнинг ҳар бири чакқон қирқ кунлик чопадиган йўл узунлигида бўлиб, дарёи Фаррохи Карт томон оқсин. Тўлиб-тошиб оқаётган сувлар боргунча соҳилларини сероб қилсин. Менинг измимда бўлган ана шу сувлардан етти кишварга ариқлар оқсин, суви қишин-ёзин асло камаймасин у эркақлар пушти ва аёллар сутини пок этсин”⁶⁸.

Айрим дарёнинг узунлиги, улар сув билан таъминлайдиган минтақалар аниқ кўрсатилган. Агар Ҳерируд, Ҳирот ҳамда унинг атвор-тавобидан сувдан сероб қилса, Пурут ва Ишкат тоғларидан оқиб тушадиган Новтак сувлари бир неча ўлкани обод қилади: “ У ерда тезоб ва кенг дарёлар мавжуд.

М. Исҳоқовнинг таржимасида “Авесто” Яштларидаги Сириус Тир юлдузи шаънига айтилган алқовлар осмон жисмларига нисбатан алоҳида ишонч, эътиқод уларни илоҳийлаштириш ғоялари акс этгани яна бир қарра кўринади. Порлоқ , Пурнеъмат Тиўтрия ҳамда Сатавеса юлдузларининг ризологи ҳаққи, олам сувларини тўлдириб тоштирувчи, Мазда яратган қудратли зотга юқунчимиз, мақтовларимини қувонч ила йўллаб шарафлаймиз.⁶⁹ Бу бағишлов сўзи Тиштрия юлдузига қаратилган бўлиб барча алқовлар ижроси, тиловати олдидан айтиладиган дуо сўзлари такрорланади.. Тиштрия юлдузи ҳам бошқа осмон жисмлари каби маъбудлаштирилган:

Ўн кеча давомида

Нур таратиб самода

Порлоқ кўркам Тиштрийа

Ўн беш ёшли йигитча

Қиёфасига кирар

Кўзлари унинг чакқоқ

Қадди қомати алпдек

⁶⁸ Ҳ. Ҳомидий Т.: “Шарқ” 2007. 91-бет.

⁶⁹ М. Исҳоқов “Авесто.Яшт китоби” Тошкент, 2001 71-бет.

Кучли эпчил ва чаққон⁷⁰.

Тиштрийа юлдузининг чиқиши ёмғир, само сувларини чаққиради. Бу эса имон ва эътиқодни кучайтиради. Ёмонларни ҳам эзгулик йўлига чақиради.

Чунки коинот суви барча учун баробар. Бугун борликни поклайди:

Қанот боғлаб тиштрийа

Денгиз томон келмоқда.

Сувларни тўлқинлатиб

Шамол пуркаб ҳарёққа

Ва сувларни оқизар

Етти иқлимга томон⁷¹

Авестода Тиштрийа ва бошқа юлдузларига намлик, сув ёғингарчилик каби ҳаёт амиллари деб қарайди. Тиштрийа юлдузи ўзининг энг юқори ҳолатида дунё ва коинот сувларини барокотли қилади.

Ўзига хос қомусий билимлар мажмуаси бўлган Авестонинг Ясна, Яшт, Виспарат, Видевдат деб номланувчи қисмларида 16 та мамлакат тилга олинади. Бошқа соҳалар каби географияга доир фикр мулоҳазалар ҳам Авестода анчагина. Аксарият авестошунослар ёдгорликнинг географик қиммати ҳақида фикр юритганда “Вендидод”даги бир фарғардга суянадилар. Уни ҳатто “Географик поэма” деб ҳам атайдилар. Воҳаланки, китобнинг барча бўлимларида Турону-Эрон, умуман дунёнинг қадимги географиясига доир далиллар тўлиб-тошиб ётибди. Ундаги географик маълумотлар шартли равишда уч туркумга ажратишади; турл шаҳарларнинг пайдо бўлиши, қурилиши ва жойлашиш ўрни; дунёдаги ҳамда Турону Эрон ҳудудидаги тоғлар ҳақидаги маълумотлар, шу минтақалардаги кўллар, дарёлар, уларнинг шаҳобчалари, каналларнинг сони хусусидаги далиллардир⁷².

Авестода биринчи мамлакат Даитие дарёси бўйида жойлашган Арианам Ваежу бўлиб, ўрта асрларда Эронвеж шаклича келган. Хоразм, Турон деб ҳам талқин этилади. Бундан ташқари Авестода Гава (Суғдиёна), Маури

⁷⁰ Ўша асар Б-71

⁷¹ М. Исҳоқов “Авесто.Яшт китоби” Тошкент, 2001 73-бет.

⁷² Ҳ.Ҳомидий “Авесто файзлари” А.Қодирий нашр. 2001. 66-бет

(Марғиёна), Бахди (Бақтрия, Балх), Нисая (Парфия, Ниса), Харайва (Хирот), Васкрента (Қобул), Урва (Тус, Исфахон), Хнента, Гиркания, Харахвати, Гетуманд (Хилмант), Рага, Кангха, Варена, Панжоб каби мамлакатлар тилга олинади⁷³. М.Исҳоқов таржималаридан бири “Видевдот” китобида келтирилишича: “Дунёдаги барча ерларни унда яшовчи бандаларим назарида (ўзга ерлардан) яхшироқ қилиб мен яратганман. Ҳар бир ерни ундаги халқлар учун маъқул қилиб яратмасам эди, барча ерлардан одамлар (Ерларнинг энг биҳишт-жаннат мисоли этиб яратганим) Арийанам Ваежу (Эронвеж)га қараб оқиб келаверган бўлар эди⁷⁴”.

Ахура Мазда Спитама Зардуштга қилган мурожатларида илк макон этиб Арийанам Ваежуни, сўнг сўғдлар яшайдиган Гавани, Маури яъни Марғиёнани учинчи ўлка қилиб, тўртинчиси минг тигли- минг байроқли Бахди яъни Бақтирияни, бешинчиси қилиб Нисаййани Бахди ва Моури ўртасидаги юрт қилиб, олтинчиси Харойва (Хирот) еттинчиси Вайукирт бўлиб, бу шаҳар номи авесточа Вайу яъни эзгу Шамол, ёқимли шабада маъбуди томонидан суйиб ҳимоя қилинган ер демақдир. Саккизинчи юрт Аврадир, тўққизинчиси Ҳиркан юрти (Журжон, Гиркания), ўнинчиси Харайва, ўн биринчи Хилмандни, ўн иккинчи Рага ўлкаси (ҳозирги Рей) юртини, ўн учинчи Чахра, ўн тўртинчиси Варна, ўн бешинчи Хафтруд ва ўн олтинчиси Ранха дарёси ҳавзасидаги фаровон ерлардир деб яна кўплаб юрт ва кишварларни барчасини ўзим яратдим дейди.

Ушбу “Вендидат” китобидаги Ахура Мазданинг Спитама зардуштга айтган маълумотларини кўздан кечирар эканмиз, Олий худо –Ахура Мазда эканлиги, у ҳар бир юртнинг иқлимини қулай қилиб яратгани ва у юртларда одамлар учун чексиз фойдалар яратгани ва улардан тўғри ҳамда оқилона фойдаланиши кераклиги таъкидланган. Бу юртлар гўзал яралганлиги сабабли унинг сифатларини ёвуз Ахриман кўролмайди. Натижада ўша юртларда ёмон хусусиятлар кўпайиб бораверади.

⁷³ “Авесто ва унинг инсон илк тарихидаги ўрни” 2001(конф.тезиси) 58-59 бетлар.

⁷⁴ М.Исҳоқов “Видевдот” китоби Т.:ТоДШИ нашри 2007. 10-бет.

2.2 Зардуштийларнинг нариги дунё ҳақидаги тушунчалари.

Зардуштийларнинг пайдо бўлиши ҳар-хил диний тасаввурларнинг табиат ва жамият тўғрисидаги тушунчаларнинг чатишиб кетганлиги моддий ёдгорликларда яққол намоён бўлмоқда. Инсоннинг тарихида биринчи бўлиб Зардушт инсонларнинг бу дунёдаги ҳаётига яраша нариги дунёдаги тақдири ҳам бўлажаги ҳақидаги таълимотни юзага келтирди.⁷⁵ Зардуштийлик таълимотига кўра бу дунёнинг боши бўлганлиги каби охири ҳам мукаддас, яъни борлиқ вақт ва замон ўлчамида чексиз эмас. Бу таълимот асосида ҳар бир инсон ўлгандан сўнг ўз қилмишига яраша марҳамат ёки жазо топиши ғояси ётади. Пайғамбар Заратуштра дунёнинг пайдо бўлиши ва ундаги ҳаёт билан ўлим ўртасидаги курашни Ахура Мазда ва Ахриман каби бир-бирига зид ва душман кучларга ажратади. Булар ўз тафаккури, сўзи ва ҳаракатларида яхшилик ва ёмонлик тимсолидир. Булар бир-бирига билан тўқнаш келиб воқеалик ва йўқликни яратдилар. Кимки ёлғонга эргашса уни ёмон нарсалар қарши олади, кимки яхши йўлга қадам қўйса уни эзгулик кутади. Кейинчалик бу икки тушунча “яхши воқеалик” ҳамда “ёмон турмуш”, “жаннат”, “Беҳишт” ва “Дузах” сингари тасаввурларни шакллантирди. Инсоннинг ўз ихтиёри билан танлаб оладиган бу икки йўли уни ё ҳаёт ё ўлим маконларига элтади.

Ўлим ҳаётининг акси ва душманисифатида идрок этилгани ва ёвуз кучларнинг асорати билан содир бўлгани учун, ёвуз кучларнинг асорати сифатида унга муносабат салбий бўлган. Профессор М.Исҳоқовнинг Авесто, Видевдат китоби номли таржималаридаги бир қанча фрагментларда у дунёда инсон руҳининг тақдири ҳақида савол жавоблар асосида батафсил маълумотлар берилган:

- Заратуштра Ахура Маздадан сўради: -Эй Ахура Мазда, Муқаддас рух, борлиқ дунёнинг парвардигори, ҳақ таоло! Имонли инсон ўлгач биринчи тунда унинг руҳи қаерда бўлади?.

⁷⁵ А.Аширов “Авестодан мерос маросимлар” Тош. А. Қодирий нашриёти. 2001 Б-52

- -Шунда Ахура Мазда инсон ўлгач инсоннинг жони агар у имонли бўлса”Ваҳу хишта” да яъни “Беҳишт”да бўлишини айтади
- Иккинчи тунда майитнинг жони қаерда бўлади?
- Шу тун ҳам ўлганнинг жони роҳатда, ба роҳат бутун борлиқ топган роҳатдан ва фароғатдан улуғроқдир.
- Мурданинг жони учинчи тунда қаерда бўлади?
- Кимга Ахура Мазда ёр бўлса, ўша мағфират топгай, гуноҳлари кечирилгай. Бу мағфират олам ичра барча борлиқ роҳатиданда улуғроқдир. Учинчи тун ўтгач, Эрта тонгдамайитнинг жони ўсимликлар, хушбуй гуллар устида учиб юради. Унинг йўлида жануб томондан эсадиган шабада эсиб туради. Жанубий кишварлар шабадасиўзга ерлардан хушбўйроқдир. Мурданинг жони ушбу ёқимли хиддан баҳраманд, бўлиб. Бундай фикр қилади: “ Бу насим қайдан эсмоқда , барча еллардан хушбуй?”. Бу хушбуй шабада билан унинг имони рўбару келади. У хур қиз қиёфасида бўлиб, гўзалликда ҳеч бир хилқат унга тенг келолмас.⁷⁶

Зардуштийларнинг дафн маросимларида руҳонийлар ва марҳумнинг қариндошлари уч кеча кундуз давомида зардуштийларнинг махсус дуоларини ўқиб турганлар. Тўртинчи кунбошланиши билан, ўликнинг руҳи нариги дунёга учиб кетгандан сўнг мурда четдаги тепалик ёки тоғу-тошларга чиқариб қўйилган⁷⁷. У ерда ўлик қуш-кумурсқалар, ёввойи ҳайвонларга емиш бўлганлар. Жасад гўштидан тозалангач, суяклар тўпланиб остадон деган махсус сопол идишларга солиб қўшилган⁷⁸. Имонли банданинг жони (руҳи) бир қадам қўяди ва эзгу уйлари учун берилган ажру савоблар устига ўрнашади. Сўнггра иккинчи қўяди-ю, эзгу сўзлари учун берилган мукофот устига қўнади. Учинчи қадамни қўйгач, эзгу амалларидан ҳосил бўлганажру

⁷⁶ Авесто “Видевдот” китоби. М. Исҳоқов тарж. Тошдши нашр.2007.Б 90-91

⁷⁷ А.Аширов “Авестодан мерос маросимлар” Тош. А. Қодирий нашриёти. 2001 Б-52

⁷⁸ Т.Махмудов “Авесто ҳақида” Шарқ нашр.2000. 18-бет.

савоб устига кўнади. Тўртинчи қадамда эса унинг жони абадий ёғду маконига –ваҳу ҳиштага, яъни биҳиштга тушади⁷⁹.

Кўриниб турибдики, Зардуштра фикрича руҳ танани тарк этган инсоннинг яхши ва гўзал амалларидир. Ўз ҳаёти давомида гўзаллик ва яхшилик, нур ва кувонч йўлида хизмат қилган одам ҳақгўй, пок ва адолатли бўлиб, меҳмонларни беғараз кутган, хотинини севиб, эрни, молларни парвариш қилган, одамларнинг мол-мулкига кўз айлантирмага, табиатни асраб-авайлаб ундан завқ олгани учун унинг жони ҳам битмас-туганмас роҳат-фароғатга бурканади.

Гуноҳкорларнинг эса жони чиқгач, унинг руҳи боши атрофида тентирайди ва уч кун давомида барча ёмон одамлар тортадиган нохушликни кўради: “Заратуштра Ахура Маздадан сўради:- “ Ахура Мазда, Эзгу руҳ борликнинг парвардигори, Ҳаққи таоло! Гуноҳкор банданинг жони узилгач биринчи тунда қаерда бўлади?” Ахура Мазда деди:- “Эй, иймонли Зардуштра! Гуноҳкорнинг руҳи боши узра тебраниб туради ва ...зорланади: “... О Ахура, энди меи нетай? Не ерда турай?” Шу тун давомида гуноҳкорнинг жони шу қадар кўп азоб тортадики, барча борлик азоб-уқубатлари бунчалик эмас”.

Иккинчи тунда ҳам унинг азоблари беҳад бўладики, бу азоблари борлик дунёдаги барча азоблардан устун”. “Учинчи тунда гуноҳкорнинг жони қаерда бўлади?”- “Эй имонли Заратуштра ўша ерда, мурданинг боши узра қалқиб туради ва камнемой –зам Готини айтиб туради: “ Бошим солиб қайга кетай, қайларга борай?”.... “Бу кеча ҳам жоннинг азоблари шу қадар бўладики, тириклик дунёсидаги азоб-уқубатлар бунга тенг келмасдир”. Учинчи кеча охирида, эй имонли Заратуштра, тонг сахарлаб гуноҳкорнинг жони дахшатли ва бадбўй жойлар устида чарх уради. Унга ернинг орқа томонидан шимолдан кишварлардан бадбўй шабада эсади. Бундай бадбўй шамол ҳеч ерда йўқ”. Шунданг сўнг гуноҳкорнинг олдига бадбашара қиз унинг қабих ишлари тимсолида келади. Бадбашара қиз унга дейди: “Мен сенинг қабих ишларингман, Ўзим асли бузуқ ҳилқат эдим. Сен туфайли янада бузилдим,

⁷⁹ М.Исҳоқов “Авесто”, “Видевдот” китоби” ТошДШИ нашр.2007.91-бет

менинг асли номус, уят жой эди, сен туфайли янада шарманда бўлдим”.

Шунданг сўнг гуноҳкорнинг жони гарданигача олға босиб, биринчи қадамни қўйган пайтида Дишмат (ёвуз уй) аъмолидан келган гуноҳлари устига қўнди, иккинчи қадамда эса, гуноҳкорнинг жони Дужух (ёвуз сўз)дан келган гуноҳлари жазосининг устига қўнди, учинчи қадамни қўйганда Дужварешт (ёвуз ишлари)дан келган жазо (хирмони)га тушади. Тўртинчи қадами билан гуноҳкор осий банданинг жони чексиз зулматга, (“Дужвах-яъни дўзах)га тушади⁸⁰. Имонли инсонга бихишт ризки насиб этганда унга сарик мойдан емиш келтирилади, яъни у Ахура Мазданинг муқаддас оловига солиб туриладиган хўшбўй мой у дунёда ўлганлар жонининг озиғи бўлади, деб ишонишган. Гуноҳкор инсонга эса энг сассиқ заҳардан емиш келтирганлар. Ёвуз уй, ёвуз сўз, разил ишлар йўлида имонсиз ўтганнинг абадий дунёдаги ўлганидан кейинги емиши бўлган.

Заратуштранинг дунёқарашига кўра дунё худо томонидан яратилаган ва охиратда ҳам ҳаёт мавжуддир. Заратуштра ўлган одамнинг охиратдаги қисматида ҳам тозаллик ва покликнинг, яхшилик ва эзгуликнинг асосий омили бўлиб қолишини таъкидлайди. Бу нарса Зардуштийлик таълимотининг ахлоқий-эстетик моҳиятини яққол намоён қилади. Қаерда фикр, сўз ва иш уйғунлиги бўлса, ўша ерда олижаноблик ва гўзаллик ғалаба қозонади, қачонки тана ва жон нифоққа учраса инсон ҳаёти таназзулда жони эса қилган ёмонликлари жабрини тортиб, азобда қолади. Кимки ёруғ жаҳонда ақлли бўлса, донишмандлик салтанати у дунёда абадий қолади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак зардуштийларнинг нариги дунё ҳақидаги тасаввурларининг асосида тан ва жон, руҳ ва қалб, яхшилик ва ёмонлик, ҳаёт ва ўлим, гўзаллик ва хунукликни идрок этиш масалалари ётади. Эзгу фикр, эзгу калом, эзгу амал инсонни комиллик сари етакловчи биринчи руҳ бўлиб, унга эришган одам Худога яқин бўлиб боради. Охиритда ҳам ахлоқий пок одамлар разил ва мунофиқларни енгиб, абадий қувонч бағрида яшайди.

2.3.«Авеста»да эзгулик ва ёвузлик ғояларининг талқини

⁸⁰ М.Исҳоқов Авесто “Видевдат” китоби ТошДШИ нашр.93-94 б

1. Зардуштийлик динини, унинг муқаддас китоби Авестани ғарб олимлари одатда фақат эроний забон халқлар билан боғлаб тушунтирадилар. Аммо Зардуштийлик дини Ўрта Осиёда туркийзабон этносларнинг, жумладан, ўзбек халқнинг ҳам маънавий дунёси шаклланишида асосий омил бўлган. Бунинг ўзбек халқининг тарихий этнографик хусусиятлари, бугунги турмуш тарзи, урф-одатлари, тафаккур-менталлитети хусусиятлари яққол кўрсатиб турибди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ўзбек халқининг туркий тиллар оиласига мансублиги Авестага ворислигини инкор этмайди. Зеро, ўзбек тили субетрат (туб) туркий аҳолига туркийзабон сиёсий давлатчилик вазиятларида келиб қўшилган қарлук, чигил, яғмо ва туркий сиёсий давлатчилик жараёнлари вазиятининг устиворлиги зардуштийлик анъаналарини йўқ қилмаган, балки ўзлаштириб, янада бойитган. Зеро, диний тасаввурларнинг моҳияти бир – яъни эзгулик, яхшилик учун кураш, ёвузликни даф қилиш.

2. Авеста китобида мифологик қатламлар кўплаб реал тарихий воқеа ходисаларнинг умумлашма баёнлари ёки уларга ўз даври учун машҳур воқеалар сифатида ишорат қилувчи лавҳалар билан қоришган ҳолда келади. Шу туфайли кўпинча мифологик ҳаёлий манзаралар, ровий ҳикоятлар ва тафсилотлар реал тарихий материал билан қоришиб, уларга сингиб кетгандек. Баъзан миф ва тарих черагасини аниқ белгилаш қийин. Авестанинг бу хусусияти минг йиллар аввал яшаган узоқ аجدодларимизнинг ҳаёт муносабатларини ҳаёлот кўзгуси орқали бадий умумлаштиришда юксак даражага эришганларини кўрсатади. Барча мифологик қатламлар учун хос умумийлик шуки, улар эзгулик ва ёвузлик ўртасида танлаш, эзгулик томонида туриш учун ибрат, панд-насихат таълимот манбаидир.

3. Авеста мифологияси устида бир қатор илмий изланишларнинг натижалари эълон қилинган. Лекин бу илмий муаммо ўзининг мукаммал ечимини топиши учун ҳали кўп тадқиқотлар талаб этилади. Аввало эзгулик ва ёвузлик кураши билан боғлиқ бош ғоявий негиз мифологиянинг икки қутби учун асосий манбадир. Авестани талқин этишда мифларнинг ўрни ва

ролини тўла тасаввур этиш лозим. Гап шундаки, бу китобда инсоният тарихида биринчи бор Ахура Мазда ва унинг хислатларини образлаштириш орқали юзага келган эманациялари, бошқача айтганда вазифадор малоикалари ҳамда Ахура Мазданинг ўзи яратган барча маъбуд ва маъбудалари мавҳум сиймоларга, абстракт илоҳий тушунчаларга айланган.

3а. Ахура Мазданинг куёш диски ичига олинган қанотли одам қиёфасидаги тасвири аҳмонийлар даврида пайдо бўлган. У ҳам бўлса Ашшур (Оссуря) подшолиги даври Месопатамиянинг олий худоси Ашшур тасвирининг бироз ўзгартирилган, балки Доро 1 қиёфасига мос кўриниши эди.

Зардуштийликнинг Эронга тарқалишидан олдинги Ўрта Осиёда кечган илк босқичларида Ахура Мазда ва унинг атрофидаги пантеон нурли мавҳум сиймолар эди. Бу сиймоларда одамлар мутлақ (абсолют) эзгулик тимсолларини кўришар эди.

4. авеста китобидаги мифологик лавҳаларда маъбуд ва маъбудларнинг одамга қиёс қилинган тавсифлари кўп учрайди. Масалан, Ардви Сура Анахита бир ўринда қадди-қомати келишган, бўйчан, кўкраклари бўлиқ, салобатли гўзал қизга, бошқа ўринда эса тўрт ёшга тўлган 300 кундуз мўйнасидан тикилган пўстин кийган деб таърифланади. Яна бир лавҳада Ардви Сура тизгинларни маҳкам ушлаб тўрт оқ қўшилган аравани бошқариб бораётган ҳолда тасвирланади. Митра алқовида борлиқда адолатли тартиб, ҳақиқат қўриқчиси Митранинг таърифи ҳам баъзан одам таърифи сифатида (антропомарф) берилади. Булар қачонлардир Заратуштрага қадар маъбудлар қиёфаси тасвирланган ҳайкаллар ибодат объекти бўлганидан далолатдир.

5. Варахранинг эзгу дунёни қўриқлаш учун турли қиёфаларда пайдо бўлиши ҳам қизиқарли ҳолдир. Унда Варахран-кучли шамол, ёвузликларга даҳшат солувчи нортуя, душманларни тикка ташланиб ribs ташлагувчи қабон, 15 ёшли, кучга тўлган, навқирон гўзал йигит ва бошқалар. Бу каби антропоморф ва зооморф хусусиятлар Зардушт дин ислоҳотидан олдинги чин маънодаги кўп худоллик тасаввурларининг қолдиғи деб баҳоланиши керак.

Бу мулоҳазалардан хулоса шуки, зардуштийликада илоҳий тушунчалар мавҳум, нур-ёркин сиймолар сифатида амал қилган. Ёмонлик келтирувчи кучларнинг манбаи эса зулмат, қоронғилик дунёси.

6. Зардуштийлик дини ижтимоий-ахлоқий асосини эзгулик ғояси ташкил этади. Аммо ҳаётда эзгулик борки, унинг зиддида бирор ёвузлик ҳам бўлиб келган. Авеста китоби мифологик қатламларида ана шу икки қутб-эзгулик ва ёвузлик кучлари ўртасидаги қарама-қаршиликнинг албатта эзгулик ғалабаси билан тугашига ишонч руҳи мужассам. Айни мана шу ҳол нафақат Зардуштийлик илоҳиёти тизимини, балки мифологик қатламлар орқали рамзий умумлашмаларга айланган қадимият ахлоқий-фалсафий дунёсини ҳам икки қарама-қарши қутбга ажратган.

7. Авеста мифологиясида космогоник тасаввурлар ҳам ўзининг эзгулик ва ёвузлик куаши фалсафаси орқали идрок этилиши алоҳида диққатга сазовор. Бу мифологик тизим Ахура Мазда томонидан коинотнинг эзгу асосларда яратилиши ва унинг эзгу ибтидоларига зид ёвуз руҳ Ахриман яратагн антиподларидан иборат: аввал бошла на Ер, на Куёш, на сайёралар, на собит юлдузлар бор эди. Фақат чексиз-чегарасиз бошу адоқсиз вақт Зрувана-акарана бор эди. Зрувана ичра азал эзгулик ибтидоси Ахура Мазда бор эди... У аввало ўзининг қудрати ифодаси Спента мантуни яратди. Шу билан баробар Ахура Мазда бўлажак дунёнинг барча эзгу хилқатлари руҳини яратди. (булар) маъбудлар (язатлар), осмон, сувлар, ер, олов, усимликлар, ҳайвонлар ва ниҳоят оламда яралажак одамлар руҳлари (фравашилари) эди... Шу Зрувана –акарана ичра Ахура Мазда энг доно билгич зот сифатида зулмат дунёсининг борлигини, унда Анура Майийу номли идроки, ақли суст, бузғунчилик, хирс кўйнида қолган ёвуз ва бахил ибтидо ҳам борлигини биларди. Ахриман эса ақли пастлиги, фақат ёвузлик руҳи билан бошқарилган қабих моҳияти туфайли Ахура Мазданинг –эзгулик дунёсини яратгвчининг борлигини ҳали билмасди. Лекин Ахура Мазда ўзининг зидди, ёвуз Ангхра Майийунанинг зулмат ичра борлигини билар эди. У ўзининг чеку-чегарасиз Нур дунёси Анахранам-Раучасидан туриб уч

минг йил давомида эзгу дунёнинг рухий асосларини, сўнгра моддий эзгу дунё каршварзларию, Хванирата номли савобли юртларни, одамлари учун хуш ва гўзал манзилларни яратди. Шундайки, Зрувана ичра яралган рухларнинг моддий манзиллари чексиз вақт ичра туғилаверади, пайдо бўлаверади. Бу жараён ҳозир ҳам тўхтамаган.

Эзгу дунё яралиши уч минг йил давом этгач, Анхра Майийу зулмат кўйнидан Ахура Мазданинг нурли эзгу дунёсига яқин келиб, ўзи кутмаган холда абадий бахту суруъ, тўқлик фаровонлик ҳукмрон, на касаллик, на ўлим на қариш-қартайиш бор ҳаётни кўрди. Ичи ҳасад билан ўртаниб жаҳолат ичра ўз ёвузликларини бошлайди. Нурга қарши зулмат, эзгу муъбадларга қарши девлар, парилар ҳақиқатга қарши ёлғон яралди. Дунё эзгуликлари ва ёвузликлари аралшиб кетди. Қоришиқ дунё фақат тўққизинчи минг йиллик бошлаганда туғилажак Заратуштра шарофати билан покланиш даврига киради. Ниҳоят 12 минг йил тўлганда Заратуштра уруғидан чикқан кутқарувчи зотлар-осушиянлар дунёга келади. Ёвузлик ва эзгулик ўртасида ҳаёт-мамот жанги бошланади. Эзгулик ғалаба қилиб Оламда ёвузлик барҳам топади. Осушиянтлар барчанинг гуноҳларини худодан сўраб, рухларини абадий жаннатга (авесточа Ваху Хишта бихиштга) етаклайди. Ерда илк даврда Анхра Майийу пайдо бўлмасдан олдингидек, Ахура Мазда яратган «Олтин аср-ўлим йўқ, касаллик, ёмонлик ёлғон йўқ дунё қайта тикланади. Бу моделда улкан мифологик манзара акс этганки, бу Зардуштийлик динининг оптимистик руҳидан ўзига хос заратуштра социал утопиясидан яққол далолатдир.

Шу ўринда савол туғилади: Ахура Мазданинг қудрати чексиз бўлса, у Ахриманнинг ёвуз ниятларини билса, нечун уни бошидаёқ йўқ этмади. Ахир у бунга қодир эди-ку! Ҳа, ҳамма масала шундаки, Ахура Мазда бандаларининг ва барча ўзи яратган эзгу ибтидоларнинг яхшилик ва ёмонлик ўртасида эркин танлашлари учун имкон яратди. Токим, инсон эзгуликка эътиқодда чин дилдан, астойдил, имон билан бўлсин. Бир марта келган

имонига абадул абад содиқ бўлсин. Бир сўз билан айтганда Ахриман ёвузликлари бутун эзгу борлиқ учун снов дунёси.

8. Зардуштийликнинг эзгулик дунёси яралиш тарихида коинот уч қатлам деб тшшнтирилади. Қуёшнинг тепасида Ахура Мазданинг макони «Шараф уйи» Гаронмана бор. Бу манзил Анахранам Рауча-туганмас ёлқин (нур) макони ҳамдир. У дунёда имонлиларнинг рухлари эришажак абадий фарах манзили шудир. Соддароқ айтсак, Ахура Мазда эзгу инсонларга ваъда берган бихишт (жаннат) шу.

Гаронманнинг, яъни жаннатмакон (бихишт)нинг зидди пастда тубсиз қоронғулик маконда Даужвах дўзах жойлашган. Ҳар икки маконнинг ўртаси аввал бўшлиқ эди. Лекин кейин Ахура Мазда иродаси билан бу бўшлиқда Осмон ва Ер тўлдирди. Бу макон эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш майдонидир.

Ҳар уч макон яралгач, Ахура Мазда Ерни ўсимликлар дунёси билан тўлдирди. Бу тўртинчи навбатда яралиши наботот дунёси эди. Бешинчи навбатда Ахура Мазда Ерни тўлдириш учун нур таратиб тургувчи оппоқ Буқани яратди. Ниҳоят Ахура Мазда олтинчи яралмиш қилиб тану жони бор алмисокда азалда фравоашиси яралган Одамни пайдо қилди. Бу хилқатнинг ярми тани хўкиздан тушган бир жуфт уруқдан бир эркак ва бир аёл дунёга келди. Улар барча одамларнинг отаси ва онаси бўлишди. (Бу ривоят Одам ато ва Момо ҳаво тарихларини эслатади). Бу ҳол динлар тарихида умумийлик ва хосликлар доирасида ўрганиладиган масалалардан биридир. Муҳими шуки, одамга юкланган масъулият Ахура Мазданинг эзгуликлар дунёсини янада обод қилиш, унга ривожу равақ беришдир..

9. Авеста мифологиясининг улкан қатлами зардуштийлик дунёқараши илоҳиёт тизимининг икки гуруҳининг, яъни ахуралар ва язатлар тизимининг қандай талқин этилгани, дин амалиётида ҳамда ижтимоий-ахлоқий муносабатлар доирасида уларнинг ўрни қандайлиги билан боғлиқ. Ахуралар ва язатлардан юқорида мақомда ҳамиша барҳаёт муқаддас зотлар Амэма Спандлар туради. Улар юқорида айтилган Ахура Мазданинг

хислатларидирлар. Авесташуносликда Амэша Спандлар Ахура Мазданинг вазифадор эманациялари дейилади. Булар Воху-Мана, Аша-Вахишта, Хшатра Варйа, Спента Алманти, Хаурвита, Амэрэтот. Бу зотлар ҳар бири ўз соҳаси бўйича ҳомийдек тизим бўлиб, яхлит маънода Ахура Мазданинг ээзгу-ўй, илоҳий тартиб, лойиқ ва муносиб куч-қудрат, муқаддас итоат, тансоғлик, жисман ва руҳан ҳамиша барҳаётликни қафолатловчи туррли илоҳий қудрат қирраларидир. Авестада ушбу ёрдамчи зотларнинг мифологик қиёфаси аниқ тавсифга эга эмас, улар мавҳум нурли сиймолардек берилган. Лекин Ахура Мазда дини ахмонийлар сулоласи даврида Эронга тарқалган пайтда Амэша Спэнта – олти зот – эманацияларнинг ҳам антропоморф (одам қиёфасидаги), тасвирлари қоятошларда пайдо бўлади. Бу бизнингча, қадимги Эрон салтанатида Ахура Мазда дини рамзиятларига яна бир бор месопатания илоҳларини тасвирлаш анъанаси таъсир кўрсатганидан далолатдир. Муҳими шуки, Эрон салтанати даврида бу дин ахмонийлар томонидан ўз ҳокимиятларининг илоҳийлиги концепциясини асослаш учун қабул қилинган. Лекин бу сиёсий ғоя туфайли ахмонийлар бирор марта Махда дини хабарини етказган Заратуштрани эслашмайди. Нега? Чунки ахмонийлар ўзларини Ерда Ахура Мазда иродаси билан подшо деб эълон қилишди. Улар учун пайғамбарнинг тарихий миссиясини тан олиш ноқулай эди. Чунки улар учун Ахура Мазда тугридан-тўғри ахмонийларга Кирга, Дорога, Артаксериска ва х.к. берган илоҳий ҳокимият ғояси муҳимроқ эди. Бу ҳол зарадушт динининг Ўрта Осиё ҳудудларида шаклланиб Эронга муайян ўзгаришлар билан кейин кириб борганини яна бир бор исботлайди.

10. Язатлар, яъни маъбудлар тизими мавжудлиги Ахура Мазданинг яққалиги ғоясини бузгандек кўринади. Ахура Мазда томонидан язатлар «намоз бағишланиши лойиқ қилинган маъбудлардир. Улар Атар, Митра (меҳр), Ап, Хвархшйати, Тиштрия (Тир), Вератрагна (Варахран), Ардви Сура, Аши, Хаома, Вайу, Сраоша, Рашну кабилардир. Уларнинг вазифалари, маънавий ҳимоят соҳаларининг таҳлили алоҳида масала: Бу ўринда айрим қирраларини кўрсатиш кифоядир. Масалан, Атар-муқаддас олов. У дастлаб

бутун коинотнинг қудратини таъминловчи моддий бўлмаган илоҳий рухий қувват рамзи, мавҳум образ бўлган. У ҳақни ноҳақдан айирган. Адолат ва ҳақиқат қурикчиси. Гоҳларда Атар муқаддас эзгу ибтидо бўлиб, у коинот бўйлаб тўлиб турувчи инстанция деб тушунилган. Яштларда Атар ҳақиқат илоҳаси Ашининг оғаси, Ахура Мазданинг ўғли, деб таърифланади. Бу таъриф Атарнинг эътиқод объекти сифатида сароим, расм-русумлардаги обрўсини янада ошириш мақсадида қўшиилган бўлиши мумкин.

Лекин Атар аста антропоморф (одам тасвирига ўхшаш) тавсиф ола бошлаган. Ахура Мазданинг ўғли деб тушунилади. У ҳақиқат қўрикчиси, Атарнинг осмон олови, тирик жон (жумладан одам) танасидаги «олов», дарахт танига яширинган олов, чакмоқ олови, ниҳоят Осмонда Ахура Мазда ҳузурида азал ва абад ёниб тургувчи олов турлари бор деб ҳисобланади. Булар ҳаммаси зардуштийликда оловнинг расмий дин тизимида маъбуд сифатида киритилгани билан боғлиқ эди. Атар-олов эътиқоди мавжудлиги зардуштийлик тушунчасини тўла ифода этмайди. Балки бу дин амалиётининг маънавий марказидаги рамзий объектдир. Шунинг учун зардуштийлик ва оташпарастлик атамаларини тенг маънода қўллаш тўғри эмас.

Язатлардан Вератрагна қудратли ҳарбий ҳимоят каби тушунилса, Митра борлиқни ёвузлик, ёлғон, қабоҳат, разолат бузғунликдан асрайди. Эзгуликнинг галабасига хизмат қилади. унинг энг муҳим вазифаси – илоҳий сўзга содиқлик, инсоннинг имон аҳдида мустаҳкамлигини назорат қилиш. Айни шу вазифа туфайли Митра битим худоси деб ҳам юритилади. Ҳуқуқий амалий соҳада ҳам битимлар Митра номидан тузилиб, уларнинг ижросидаги бузилишлар Митра томонидан жазоланади деб тушунилган.

11. Язатлар қаторида Хварнонинг ўрни алоҳида. Бу маъбуд Атарнинг бир кўриниши. Яъни у ҳақ рамзи илоҳий оловдан қудрат олгувчи мавҳум муқаддас куч. У кўринмас ҳолда худо ато этган имонли зотларга эзгу ниятли оодамларга кўнади. Подшолик салтанати худодан ато бўлади ва хварно орқали тақдирида бор имонли одамга етишади. Масалан, ёмон ниятли Франхрасйон қанчалик Хварнони (фарни) кўлга киритишга уринмасин,

бунга эриша олмайди. Пайғамбарлик мартабаси Заратуштрага Хварно орқали етишган. Хварно имонсизларга тутқич бермайди, яқин йўлламайди ва ҳ.к. Хварнога Авестада махсус 19-Яшт алқов достони бағишланган.

Ардви сура Анахита «кудратли, покиза, бокиралик» рамзи бўлмиш маъбуда. У сув, файзу баракот ҳомийси. Яштларда Обон Яшт номи шундан. Уни Амударёнинг ҳамда дунё сувларининг эзгу ҳомийси сингари талқин қилинади. Лекин Ардви Суранинг бир қатор бошқа вазифалари ҳам борки, улар оила, фарзандлар кўпайиши, ёшларнинг (айниқса қизларнинг) бахти, аёллар пуштида фарзанд пайдо бўлиши, туғуруғини осон этиш, имонлиларга бахт, омад бериш кабилардир. Бундай универсаллик афтидан бу маъбуда зардуштийлик тизимига кирмасдан аввалги серкирра вазифалари қолдиғидир.

Язатлардан Сраоша ва рашнулар ҳам бир қатор вазифалар билан боғлиқ. Сраоша тингламоқ каби маъно билан боғлиқ. Яъни у имонли одамларнинг эзгу сўзларини, сидқидилдан ўқиган дуоларини, алқовларини тинглаб савоб ёзувчи, у дунёда руҳнинг Чинвод кўприги (пули сирот) дан ўтиши олдидан сўроқ қилгувчилардан бири. Рашну эса ҳақ, адолат, ростликни таъминловчи маъбуд. Сраоша ва Рашну, «Яшт» китобида ҳамда «Видевдот»да айтилишича Митра билан сафдош (издош) ҳолда адолатли тартибни, ахлоқий, покликни, имон саломатлигини кўриқлайди. Инсоннинг қалбида эзгу ишларга рағбат уйғотиб, ёвузликдан юз ўгиришга даъват этади.

12. Авеста мифологиясининг мураккаб катламини қадим замонларда, хусусан, бу китоб ҳали оғзаки анъана асосида авлоддан –авлодга ўтиб келган даврларда реал тарихий, ёки ровий ҳикоя ва достонларнинг қолдиқлари ташкил этади. Улар орасида фольклорнинг турли тараққиёт босқичларига хос кўплаб қизиқарли қолдиқлари мавжуд.

Бу масала ижод аҳлининг ва адабиётшунос ҳамда тарихчиларнинг диққатини кўпдан бери тортиб келади. Масалан, илк ўрта асрлардан бошлаб Авеста китоби материаллари таъсирида «Хвадайнамак», кейинроқ X асрда эса «Шоҳнома» каби буюк асарлар яратилди. Форс-тожик адабиёти билан

бир каторда туркий тилли мумтоз адабиётда ҳам таъсир излари якқол кузатилади. Жамшид, Каюмарс, Пешдодийлар сулоласи, Хушанг Тахмурас, Фаридун, Қайқубод, Кайковус, Сиёвуш –булар ижобий қатор, Фрахрасйон, Ажи Даҳака ва бошқалар каби салбий қатор ярим асотирий, баъзан мутлак мифологик ҳаёлий бўёқларда адабий, тарихий манбаларда бутун ўрта аср оши бизгача етиб келди.

13. Авестада пайғамбар Заратуштранинг шахси ҳам ривоятлар билан ўралган. Аввало зардуштийлик адабиётида Зардуштнинг туғилиши илоҳийлаштирилади. Хатто унинг онаси Дугдауб Дугдоба ўз онаси қорнида пайдо бўлишидан бошлаб, яъни Заратуштранинг она аждодидан илоҳий белгилар содир бўлгани, Заратуштра (Зардушт) туғилишининг ғайритабиийлиги ва бунга илоҳий мазмун берилиши буларнинг барчаси мифологик ишловдан ўтган. Қолаверса, Зардуштнинг пайғамбарлик мартабасига лойиқ этилиши ҳам ровий тус олган. Лекин таъкидлаш лозимки, Заратуштра ундан қолган мерос «Гох»ларнинг мазмунига диққат қилсак, тарихан бронза асри поёнида аниқ яшаб ўтган шахсдир. У ўз замони учун катта билим, ҳаётий тажриба эгаси, файласуфона фикр юритиш, ақлий муҳим хулосалар кила олиши даражасидаги илғор киши бўлган. Акс ҳолда юрт бирлиги ва хотиржамлиги, ижтимоий равақ, маънавий юксалиш учун ғоя бирлиги, мафкуравий яқдиллик зарурлигини тушуниб етиш амри маҳол эди. Заратуштра ўз руҳий ва ақлий камолатини эзгулик ва адолат ғояси билан боғлаб, ҳаёти ва фаолиятини шунга тўлиқ бағишлади. У инсоният жамиятидангина эмас, ҳар бир инсон қалбидан ёвузлик унсурларини суғуриб ташлаш, абадий безавол дунё яратиш, шоху гадони ҳақ олдида тенг қилиш ғояси билан яшади. Заратуштра Ахура Мазда динига кўпхудолик жаҳолатини енгиб одамларни етаклаб олди.

Сўзимиз сўнгида бир мантиқий саволга ўрин бордек сезилади: эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабаси қачон келади? Бу масалада Авесто китоби оптимизм билан суғорилган. Зеро, Заратуштра келтирган дин оптимистик ғоя асосига қурилган. Лекин ёвузлик ёмонлик, қабоҳат, разолат

йўқ бўлсин десак бугун ҳам ўз қалбимизга қулоқ тутайлик. Ниятларимизни ўткинчи манфаатлар тамаъсидан поклайлик. Эзгу ниятлар билан яшай бошлайлик, сўзларимиз ҳақ таоло буюргандек, эзгулик ниятларимизга мос бўлсин. Ният ва сўз бирлиги имон белгисидир. Ниҳоят эзгулик ғалабаси учун эзгу ният ва эзгу сўзларимиз билан мувофиқ амалларни бажарайлик. Бу эса эзгуликни кўпайтиришнинг бош омилидир. Зеро, ҳақиқат йўлида ҳалол меҳнат ёвузликларни даъф этиши авестада ёзиб қўйилган. Бу дунёни эзгу уй, эзгу сўз, эзгу амал қутқаради. Ёвузликлар эса ўткинчи, қолаверса, бу ғоялар халқимизга ислом дини орқали янада мукаммал бўлиб келган ва бизлар алҳамду лиллаҳ ислом динидаги миллатлар орасида энг нуфузли, энг шарафи ўринлардамиз. Аجدодларимиз ислом равнақиға улкан ҳисса қўшганлари ҳам бунинг ёрқин ифодаси сифатида ифтихор манбаидир.

Шундай қилиб, зардушт дини исломга кириб Аллоҳни тан олгунларига қадар қадим аجدодларимиз учун мураккаб илоҳий синов босқичи бўлган. Бинобарин, Аллоҳ азалдир, бандаларини турли йўлларда синаб ўзининг афзаллигини билдиргувчидир Валлоҳи аълам бис-савоб.

Хулоса

“Авесто” ғояларига ҳам зоҳирий ҳам ботиний томондан ёндашадиган бўлсак, ундаги алқовлар, табиат ва худоларнинг тасвирлари, эзгулик ва ёвузлик кучлари ўртасидаги курашлар бадиий тўқималардек туюлиши мумкин. Шу билан бирга дунёнинг тузилиши ҳақидаги тасаввурларга ҳам эътибор берсак мифологик тарзда баён этилган қатламлар, кўплаб реал тарихий воқеа-ҳодисаларнинг умумлашма баёнлари ёки ўз даври учун машҳур воқеалар сифатида қизиқарли лавҳалар билан қоришган ҳолда келади. Шу туфайли зардуштийларнинг дунё ҳақидаги тасаввурлари ҳаёлий

манзаралар, хикоялар, тафсилотлар тарихий материаллар билан умумлашган. “Авесто”нинг бу хусусияти минг йиллар аввал яшаган узок аجدодларимизнинг дунёнинг тузилиши, коинот, табиат, ҳаёт муносабатларини ҳаёлот кўзгуси орқали бадий умумлаштиришда юксак даражага эришганликларини кўрсатади. “Авесто” мифологиясида дунёнинг тузилиши ва нариги дунё ҳақидаги тасаввурлар ўзининг эзгулик ва ёвузлик кураши орқали идрок этилиши алоҳида диққатга савовордир. Мифологик тизимга асосан дунё икки карама-қарши кутб асосида яралган ва улар доимо эзгулик билан ёвузлик ўртасида ўз хислатларини образлаштириш орқали юзага келади. Зардуштийлар дунёқарашига кўра оламни Ахура Мазда яратган. У аввало ўзининг қудратининг ифодаси бўлган хилқатлар руҳини яратади. Булар омон, сувлар, ер, олов, ўсимликлар, ҳайвонлар ва ниҳоят оламда яраладиган одамлар руҳлари- фравашилари эди. Мана шу хилқатлар мифологик лавҳаларда маъбуд ва маъбудаларнинг одамга қиёс қилинган тафсифларида кўп учрайди. Улар эзгу дунёни кўриқлаш учун турли қиёфаларда пайдо бўлиб, ёмонлик келтирувчи кучларга қарши курашиб, қоронғулик дунёсини енгади. Ёвуз худо Анхра Ману эса дунёни қоронғулик сари тортиб боради яъни одамларни жаҳолат, ёвузлик сари дават этади, эзгулик дунёсининг яралишига қарши касаллик, ўлим, қарши каби иллатларни юборади.

Ахура Мазда бандаларининг ва ўзи яратган эзгу ибтидолар учун яхшилик ва ёмонлик ўртасида эркин танлаш имконини яратиб беради.

Зардуштийликнинг эзгулик дунёси яралиш тарихида коинот уч қатламдан иборат деб тушунилган. Қуёшнинг тепасида Ахура Мазданинг макони Шараф уйи яъни имонлиларнинг фарах манзили- жаннатдир. Жаннатмакон биҳиштнинг пастида тубсиз қорунғиликда Даужбах-дўзах жойлашган. Ҳар икки маконнинг аввал бўшлиқ бўлиб, бу бўшлиққа Ахура Мазда иродаси билан Осмон ва Ерни тўлдирди. Ерни ўсимликлар дунёси билан тўлдириб тану жони бор одамни пайдо қилди. Бу хилқатдан аёл ҳам дунёга келди. Ва улар барча одамларнинг ота-онаси бўлишди. Шу тариқа одамзод даврлар

Ўтиши билан ўз-ўзини, дунёни англаб борди. Бу йўлда улар ҳар хил тарихий жараёнлар ва ҳаётий тажрибарларни бошидан кечирдилар. Табиат ҳодисаларининг доимий такрорланиши ўз-ўзидан уларга дунёнинг тузилиши, ҳудодларнинг мавжудлиги ва илоҳий кучлар ҳақидаги тасаввурларни келтириб чиқарди.

Бир сўз билан айтганда Зардуштийлар даврида яшаган аجدодларимиз дунёқараши ва тафаккури юқори савияда бўлганлини бизгача етиб келган “Авесто” ғоялари ва фалсафаларида яққол намаён бўлади. Шундай олис даврларда ҳам аجدодларимиз нақадар чуқур тафаккурга эга бўлганлиги, табиатга муносабат, борлиқ, оламнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, табиат ва инсон улуғлиги, она заминни асраш одамзотнинг асосий вазифаси экани тасвирлаб ва исботлаб берилагни билан бугунги кунда ҳар қандай одамни ҳайратда қолдиради.

Адабиёт ва манбалар

1. И.А. Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ Т., Ўзбекистон, 1995 й
2. И.А. Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т., Ўзбекистон. 1995 й
3. И.А. Каримов. Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда. Т., Ўзбекистон. 2000й
4. И.А. Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайдиган. Т., Ўзбекистон. 2005 йил
- 5.. Соколов С.Н. Зороастризм. В кн. “История таджикского народа”. Т. I. М.: - 1963.
- 6.. Исҳоқов М. Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал китоби. Т.: -2001. -28 Б. (Музейлар жамғармаси нашри)
- 7.. Исҳоқов М. Зардушт машаққати ва ислом ҳақиқати. “Гулистон” журнали, 2003, № 1.
8. Соколов С.Н. Зороастризм. Духовная культура. В кн. “История таджикского народа”. М.: - 1963.
9. Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. М.: -1972.
9. Исҳоқов М.: Авеста. Яшт китоби. Мирсодиқ Исҳоқов таржимаси. Т., “Шарқ”. -2001.
- 10.. Авеста. Яшт китоби. Мирсодиқ Исҳоқов таржимаси. Т -, “Шарқ”. -2001. –
11. Ахура Мазданинг малоикалари-эманацион хилқатларнинг вазифалари ҳақида М. Исҳоқовнинг илмий қарашлари назарий жиҳатдан муҳим. Қаранг: М. Исҳоқов. Қадимги давлатчилигимиз тарихидан. “Таълим муаммолари” журнали -2006, № 1. –Б. 18-19.
12. Абу Райҳон Беруний. Асарлар. I жилд: “Осор ул боқия, анал курун ул-ҳолия” (“Пайғамбарлик даъвоси билан келган зотлар” боби). Т.: -1963.
13. Зороастрийские тексты. Чтение, перевод и комментарии О. Чунаковой. М.: -1992. -180 С.
14. Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. М.: -1992.

15. Ашуров А. Авестодан мерос маросимлар. А. Қодирий нашр 2001 йил.
16. Абдунабиев А. Тарих-мунаввар кўзгу. Ўзб файласуфлари миллий жамияти. 2007 йил
17. Асқар Маҳкам. Авесто. Шарқ. 2001 йил
18. Авесто ва унинг инсон тараққиётидаги ўрни конф.тезислари тўплами, ЎРФА.2007 йил
19. Бойназаров Ф.А. Қадимги дунё тарихи. А.қодирий нашр
- 20.. Бойс М. Зороастрийцы. Верования и обычаи. Издатель Наука. 1998 г.
- 21 Гуннар С,Нисс Гилье. Фалсафа тарихи. Тошкент.2002 й
22. Диншунослик асослари. Ўзбекистон.Т.: 1995 йил
23. Исҳоқов М. Авесто: Видевдот китоби ТошДШИ нашр.2007йил
- 24 Исо Ж. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. Т. Ўқитувчи нашр. 2003й
25. Маҳмудов Тилаб Авесто ҳақида. Шарқ нашр.2000 йил
26. Тоҳир Карим. Муқаддас Авесто изидан. Чўлпон нашр. Т. 2000йил
27. Фалсафа: Қомусий луғат. Т., Шарқ 2004 й
- 28.. Халқ сўзи. №44. 28.02.2001 йил
28. Ҳомидий Ҳ. Авестодан Шоҳномага. Т., Шарқ 2007 йил
29. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат миллий нашр. 1-том.65-бет. 2000 йил
- 30 Ўзбекистон тарихи. ЎАЖБНТ маркази Т., 2003 йил

Тошкент Давлат Шарқшунослик Институти
“Марказий Осиё халқлари тарихи” кафедраси IV курс бакалаври Мирхайитов
Шарофиддиннинг ” Зардуштийликда замон ва макон масаласининг тарихий,
ижтимоий-иқтисодий асослари” номли битирув малакавий ишига

Такриз

4-курс талабаси Мирхайитов Шарофиддиннинг битирув малакавий мавзуси долзарблиги билан белгиланади, Ўзбекистонда авестошунослик халқаро миқёсда тан олинаётган илмий соҳага айланмоқда. XX аср давомида ва XXI аср бошларида бу соҳада катта ишлар қилинди ва қилинмоқда. Айниқса, 2001 йилдаги Халқаро Авесто юбилейлари, илмий анжуманлар, Урганчдаги Авесто боғида Президент сўзлаган нутқдан кейин авестошуносликда катта силжиш бўлди. Авесто ўзбек тилида ўз ўқувчиларига таржимада етиб келди.

Юбилей арафасида авестошуносликда қизгин воқеалар бўлди. Турли шаҳарларимизда Авестога бағишланган илмий анжуманлар бўлди. Булар Тошкент, Нукус, Хива, Бухоро, Самарқанд, Қарши ва бошқалар. Буларнинг барчаси Ўзбекистон авестошунослигининг тарихшунослигини долзарб қилиб қўяди.

Мирхайитов Шарофиддин малакавий ишининг муҳим томони унда зардуштийликда замон ва макон масаласининг тарихий, ижтимоий-иқтисодий асослари янгича талқинда ёритиб берилганидир. Ҳарбда эса авестошунослик тарихи XVIII-асрдан бошланиб, ҳозирга қадар 250-300 йиллик йўлни босиб ўтди. Минглаб монографиялар, мақолалар эълон қилинган. Лекин ҳалигача “Авесто” ни ўрганишда мавҳум масалалар кўп. Шундан келиб чиқиб, талаба ўз ишида Ўзбекистон авестошунослигидан ташқари жаҳон авестошунослиги тарихшунослиги бўйича ҳам кўп маълумотлар келтирган.

Битирув малакавий иш талаблари даражасида бажарилган бўлиб, малакавий ишни ижобий баҳолаш мумкин, деб ҳисоблайман. Камчиликлари ҳақида айтиш мумкинки, илмий адабиёт рўйхати тўлиқ бўлса иш кўлами талабига мос бўларди, имловий хатолар учрайди. Бу камчиликлар жузъий, ва битирув малакавий ишни ижобий баҳолаш ва ҳимояга тавсия этиш мумкин.

Тақризчи: катта ўқ

Б.Мамараҳимова

Тошкент Давлат Шарқшунослик Институти
“Марказий Осиё халқлари тарихи” кафедраси IV курс бакалаври Мирхайитов
Шарофиддиннинг ” Зардуштийликда замон ва макон масаласининг тарихий,
ижтимоий-иқтисодий асослари” номли битирув малакавий ишига

Тақриз

Мирхайитов Шарофиддиннинг ” Зардуштийликда замон ва макон масаласининг тарихий, ижтимоий-иқтисодий асослари” номли битирув малакавий ишни ёзишни мақсад қилиб қўйган. Ушбу мавзу ўта долзарблиги билан ажралиб туради, чунки мустақилликка эришганимиздан сўнг тарихимизни қайта тиклаш, миллий ўзликни англаш жуда кучаймоқда. Мавзуни ўрганишда талаба битирув малакавий иш доирасида қўйилган мақсад ва вазифаларни манбалар асосида очиб беришга ҳаракат қилган.

Талаба ўзининг малакавий ишида мавзуни ўрганишда муҳим маълумотларни тўплаган ва манбалардан унумли фойдаланган. Талаба битирув малакавий иши доирасида ўз олдида қўйган мақсадга илмий асосланган тарзда ёндашган. Битирув малакавий ишда жуда кўп қизиқарли маълумотлар мавжуд.

Ҳар бир ишда бўлгани каби ушбу битирув малакавий ишда ҳам айрим техник ва орфографик хатолар учраб туради. Иш доирасида қўйилган мавзу бугунги кунда Авестошуносликда энг қийин масалалардан бўлганлиги боис талаба мавзуни тўлиқ қамраб олаолмаган. Бу ишнинг илмий савиясига умуман таъсир қилмайди. Илмий адабиёт рўйхати тўлиқ бўлса иш кўлами талабига мос бўларди. Ишда Имловий хатолар учрайди.

Иш адабиётлардан унумли фойдаланилган ҳолда ёзилган бўлиб бакалаврлик илмий даражасини олиш учун етарли даражада таҳлил қилиб ёзилган деб ҳисоблаймиз. Бу камчиликлар жузвий, умуман ушбу малакавий ишни ижобий баҳолайман

Такризчи

Т.Ф.Д. А, Отахужаев